54. Zou ZD, Zhang ZZ, Wang L. et al. The role of mesenteric lymph in pathogenesis of systemic inflammatory response syndrome and systemic complications following severe acute pancreatitis in rats. *Zhongguo Wei Zhong Bing Ji Jiu Yi Xue*. 2010;22:206–209.

УДК: 616.61-002.27 -089.843]-61

**БУЙРАК ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ: ТИББИЙ ҲАМДА
ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРГА КЛИНИК ЁНДАШУВ**

**Сабиров Максуд Атабаевич¹, Бобокулов Максуд Бегматович¹,
Хайитов Хайрулло Абдуганиевич², Мунавваров Бурхон Абдужалилович³**

Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази¹

Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази

Сурхондарё вилояти филиали²

Тошкент давлат стоматология институти³

**ТРАНСПЛАНТАЦИЯ ПОЧКИ: МЕДИЦИНСКИЕ И
СОЦИАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ И КЛИНИЧЕСКИЙ ПОДХОД К НИМ**

**Сабиров Максуд Атабаевич¹, Бобокулов Максуд Бегматович¹
Хайитов Хайрулло Абдуганиевич², Мунавваров Бурхон
Абдужалилович³**

Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр нефрологии и трансплантации почки¹

Сурхондарьинский филиал Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра нефрологии трансплантации почки²

Ташкентский государственный стоматологический институт³

**KIDNEY TRANSPLANTATION: MEDICAL AND
SOCIAL PROBLEMS AND A CLINICAL APPROACH TO THEM**

**Sabirov Maksud Atabaevich¹, Bobokulov Maksud Begmatovich¹
Khayitov Khairullo Abduganievich², Munavvarov Burkhan
Abdujalilovich³**

*Republican Specialized Scientific and Practical Medical
Center of Nephrology and Kidney Transplantation¹*

*Surkhandarya branch of the Republican Specialized Scientific and
Practical Medical Center of Nephrology of Kidney transplantation²*

Tashkent State Dental Institute³

ХУЛОСА

Мақолада трансплантологиянинг тарихи, дунё ва юртимизда буйрак аллотрансплантацияси соҳасидаги эришилган ютуқлар, унга қўйиладиган

талаблар ва донорлик турлари ҳақида атрофийча сўз кетади. Шунингдек аъзолар трансплантациясига кўрсатма ва қарши кўрсатмалар, уларнинг асоратлари ҳамда уни ташхислаш, даволаш, олдини олиш муаммолари ва уларнинг ечими бўйича фикр юритилади.

Калит сўзлар: *трансплантация, сурункали буйрак касаллиги, нефрология, гемодиализ, буйрак, донор, иммуносупрессия.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье подробно описывается история трансплантологии, достижения в области аллотрансплантации почки в мире и в нашей стране, требования к ней и виды донорства. А также, обсуждается показания и противопоказания к трансплантации органов, осложнения и их коррекция, лечение, вопросы профилактики и пути их решения.

Ключевые слова: *трансплантация, хроническая болезнь почек, нефрология, гемодиализ, почки, донор, иммуносупрессия.*

SUMMARY

This article describes in detail the history of transplantology, achievements in the field of kidney allotransplantation in the world and in our country, its requirements and types of donation. And also, the indications and contraindications to organ transplantation, complications and their correction, treatment, prevention issues and ways to solve them are discussed.

Keywords: *transplantation, chronic kidney disease, nephrology, hemodialysis, kidneys, donor, immunosuppression.*

XX аср табобат оламида трансплантация эраси сифатида дунё тарихига мухрланди. Сабаби айнан ўтган асрнинг 50 йилларидан кейин клиник тиббиётда транспланталогияга бўйича шахдам қадамлар ташланди. Шумладан, 1953 йили Питер Медавэр Лондон университети коллежида ҳамкасблари билан биргаликда илк бора орттирилган иммунологик толерантлик феномени ҳақида фикрларини баён қилди [1, 2]. Бу кашф этилган жараён трансплантацияни ривожланиши учун лозим бўлган трансплантацион иммунология ва инсонларда бу борадаги анологик тадқиқотларни бошланишига туртки бўлди. Клиник трансплантация эса Джозеф Мюррей ва унинг Гарвард университетидаги ҳамкасблари билан илк бора 1954 йил 23 декабрда бир тухумдан пайдо бўлган эгизакларда буйрак кўчириш билан бошланди. Транспланталогия соҳасидаги илк илдам етакчилар ҳисобланган мана шу иккала олим келгусида Нобел мукофотисовриндори бўлишган [1, 2].

Шу билан сўнги 50 йиллар мобайнида сохада бир қадар ривожланишлар бўлди. Буйрак аллотрансплантацияси (БАТ) бўйича тавсияномалар, врачлар учун қўлланмалар ва бир қатор йўриқномалар ишлаб чиқилди. Бу билан дунё миқёсида минглаб беморларни умрини узайтиришга эришилди ва қолаверса тўлақонли ҳаётга қайтарилди. Бироқ шу нарса маълум бўлдики органлар трансплантациясида реципиентнинг мураккаб иммун жавоб жараёни сохада катта силжишларга қаршилик қила бошлади. Кенг миқёсдаги иммуносупрессив препаратлар ва замонавий жаррохлик ютуқларини қўллаш билан органларни кўчириш бир қадар такомиллашибборди ва трансплантация асоратларини камайишига эришилди [1, 2, 3]. Юртимизда ҳам трансплантология сохасида ўтган асрнинг 80 йилларида академик Ўктам Арипов раҳбарлигида кенг кўламли ишлар бошлаб юборилган. Мустақиллигимиздан кейин ривожланиш бир қадар сусайиб қолган бўлсада президентнинг 2018 йил 12 июлдаги ПҚ–3846-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан кейин мамалакатимизда трансплантологияга бўлган эътиборнада кучайтирилди [5]. Пойтахтимизда юз кўрсатиб такомиллашаётган мазкур жараёнларда вилоятлар ҳам четда қолмаяпти. Хусусан Сурхондарё вилоятида ҳам 70 нафарга яқин беморлар буйрак трансплантацияси амалиётини ўтказган. Мазкур беморларга буйрак кўчиришдан кейингидаврни олиб бориш ниҳоятда мухимдир. Уларни кузатиш, назорат қилиш ва трансплантат буйрак ҳолатини баҳолаб бориш биз мутахассислардан (нефролог, трансплантолог, терапевт) алоҳида янги билим ҳамда кўникмаларни, шумладан ўзгача ёндашув ва салоҳиятни талаб этмоқда [5].

Замонавий трансплантологиянинг асоси учта глобал йўналишни ўз ичига олади [1, 2]:

- Биринчи йўналиш – фундаментал тадқиқотлар ва инновациялар. Тиббиётнинг ҳеч қайси бўғини буларсиз ва тез клиник амалиётга ўтмаган ва ўтмайди ҳам.
- Иккинчи йўналиш – клиник трансплантация. Бу тиббиётнинг нисбатан янги сохаси бўлиб у интенсив тиббий ёрдам билан бир қаторда нафақат касалланган (кўчирилган) аъзони, балки бутун организмни хис қилиш лозим бўлган чуқур илмий тушунчаларни талаб этади.
- Учинчи йўналиш – бу трансплантацияда этик муаммоларни ҳал қилишдир. Бунда донор ва реципиент ўртасидаги муносабатлардан тортиб, уларни врачга ишончи ва ҳаётга қайтишга бўлган умидигача эътиборга олинади.

Ҳанузгача инсон иммун тизими охиригача ўрганилмаган. Гап шундаки, биз реципиентларга донор буйракка нисбатан организмда иммун толерантликни шакллантиришимиз муҳимдир. Қолаверса ксеноплантацияни клиник тиббиётга тадбиқ этиш анча узок бўлиб турган даврда соҳадаги мазкур муаммоларини ечимини излаш мақсадга мувофиқдир. Шундай экан қуйида трансплантологиянинг ютуқлари, муаммолар ва уларни ечими бўйича фикрларни муҳокама қиламиз.

Трансплантологияда буйрак донорлиги, донор танлаш ва донорликка қарши кўрсатма

Клиник амалиётда донорлик иккига бўлинади – тирик ва мурдадан олинadиган донорлик. Тирик донорликда соғлом шахслар ўз хоҳишига биноан аъзоларини бир қисмини ёки жуфт аъзоларини бирини беморга (туфҳа) беради. Мурда донорликда – вафот этган ёхуд юраги уришдан тўхтаган шахсдан аъзолар олинади [6].

Тирик донорлик:

Жахонда кейинги 10 йиллик мобайнида тирик донорлардан буйрак кўчириш амалиёти тўхтовсиз ошди. Тирик донорлик бўйича трансплантация фаоллик АҚШда (1 млн аҳолига 20 донор), Скандинавияда (1 млн аҳолига 11 донор) ва Англияда (1 млн аҳолига 20 донор) анча юқори кўрсаткичларни эгаллади. Буюк британияда ҳар тўртта донорликнинг бири тирик донорлик хиссасига тўғри келади, яъни 2005 – 2007 йилларда ўтказилган БАТ амалиётида тирик донорлик 25,8 % ни ташкил этди [6, 12].

Буйрак трансплантациясида тирик донорликдан фойдаланиш сурункали буйрак етишмовчилигининг (СБЕ) терминал босқичидаги беморларни реабилитациясида нисбатан яхшироқ натижаларни бермоқда. Мазкур услубнинг такомиллашиши трансплантологияда янги имкониятларни юзага келтирмоқда. Жумладан трансплантация амалиётини мукамал режалаштириш, реципиентни келувчи аъзога нисбатан иммунологик толерантлигини шакллантиришга имкон ва вақт етарли бўлмоқда. Шунингдек тирик донорлик кейинчалик беморда пайдо бўладиган рухий ҳолати ва бошқа ижтимоил номутаносибликларни бир қадар камайишига ҳам замин бўлади. Умуман олганда БАТ амалиётида тирик донорликдан фойдаланиш бизга бир қатор ижобий томонларини кўрсатмоқда:

1. БАТда мурда донорликка нисбатан натижалари яхши. Бу демак яқин қариндошларнинг генетик ва HLA типининг мослик эҳтимоллигини юқорилиги билан боғлиқ.
2. Диализ даври давомийлигини камайишига олиб келди.

3. Диализгача бўлган даврда трансплантация қилиш имкониятини бермоқда.
4. Иммуносупрессив терапияни жадал тартибини камайтириб қўллашга шароит туғдирмоқда.
5. Буйракка мухтож беморларни донор кутиш вақтини камайишига имкон яратди.

Тирик донорликдан олинган БАТ бўйича АҚШда кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган [14]. Бунда ўтказилган 23404 нафар трансплантация натижалари ретроспектив таҳлил қилинган. Унга кўра 5 йилликда яшовчанлик тирик донорликлар бўйича бир тухумдан пайдо бўлган эгизакларда – 87 %, яқин қариндошларда - 78 – 81 %ни ташкил этди. Уша даврда ўтказилган мурда донорлиги асосидаги БАТда эса 5 йиллик яшовчанлик – 66 % ни ташкил этган [6].

Тирик донорликда буйрак танлаш ва тирик донорликка қарши кўрсатмалар:

Буйрак танлашда аввало донорни руҳий тайёрлаш ва сўнгра лаборатор ташлиларни бошлаш лозимдир. Қон гуруҳини аниқлаш ва HLA типи аниқланади. Шу билан бирга кесишма синамалари ўтказилади. Шундан сўнг донор тиббиёт нуқтаи назаридан баҳоланади. Донордан анамнез йиғиш ва текширув мобайнида қуйидаги касалликларга қатъий эътибор берилади:

- Гематурия, сийдик йўллари инфекцияси;
- Буйрак-тош касаллиги (хаттоки ҳозирда тош бўлмаса ҳам);
- Юрак ишемик касалликлари;
- Артериал қон босимнинг 140/90 мм.сим.уст.дан юқори бўлиши;
- Қандли диабет ва глюкозага толерантликнинг пасайиши;
- Тромбоэмболик касалликлар;
- Хавфли ўсмалар;
- Тизимли касалликлар;
- Руҳий касалликлар;
- Алькогол ва никотин;
- Гинекологик касалликлар.

Бундан ташқари уларда бўлиши мумкин бўлган сариклик (гепатит), сил, ОИТС, малярия, гижжа инвазиялари ва бошқа паразитар касалликлар ҳам назардан чета қолдирилмайди. Маълумотларга кўра мана шу тиббий баҳолаш жараёнида 78 % шахс донорликдан рад этилади [6].

Лаборатор текширувлардан кейин донор буйраklarини парциал (жуфтлик) фаолиятини баҳолаш мақсадида радиоизотоп ренография

ўтказилади. Кейинги ўринда буйрак томирларига эътибор қаратилади. Бунинг учун буйрак артериялари ангиографияси қилинади [6].

Мурда донорлиги:

Европа давлатларининг статистикасига мувофиқ вафот этганларнинг 14 % ида ўлим бош мия шикастланиши сабабли юзага келади. Оғир даражадаги бош-мия шикастланиши, инсульт, бош мия қон томири аневризмаси, бирламчи операция қилиб бўлмайдиган ва метастаз бермаган бош мия ўсмалари туфайли вафот этган мурдалардан аъзолари донор сифатида қўллаш мумкин. Мурда донорлигида буйрак кўчиришни ташкил этишнинг бир қатор мураккаб таратдудлари мавжуд бўлиб, бунда аъзони эксплантация қилинишидаги турли йўналишдаги шифокорлар (анестезиолог-реаниматолог, невропатолог, кардиолог, уролог ва бошқ... .) лозимлигидан тортиб бошқа ижтимоий масалаларга соғлиқни сақлаш тизими маъмуриятини жалб қилишгача бўлган ишларга врач трансплантолог-координатор масъул ҳисобланади [6].

Мурда донорлигида қуйидаги патологиялар донорликка мутлоқ қарши кўрсатма ҳисобланади: трансплантат буйракда мавжуд сурункали буйрак касаллиги, ёши 65 ёшдан катта бўлишлиги, онкологик касалликлар, умрининг сўнгги йилларида мувозанатлашмаган артериал гипертензия, ОИТС, вирусли гепатит А ва В, бактериал сепсис ҳамда ўткир буйрак етишмовчилиги ҳолатлари [6].

Трансплантациаланган буйрак патологияси – бу кўчириб ўтказилган буйракнинг кенг кўламдаги касаллиги ҳисобланиб табиатига кўратурланади, шунингдек ўз ривожланиш механизми ҳамда авж олиш тепмтига эга [15].

Трансплантат дисфункциясининг сабаблари [4, 10, 13]:

А. Иммунологик:

- * трансплантатнинг ўткир рад этилиши (хужайравий, гуморал);
- * трансплантатнинг сурункали рад этилиши;
- * трансплантатнинг қайталама ва de novo патологияси (IgA-нефропатияси, фокаль-сегментар гломерулосклероз, мембраноз нефропатия, диабетик нефропатия).

В. Токсик:

- * ўткир каналчалар некрози;
- * нефротоксинлар (индуцирланган кальциневрин ингибиторлари).

С. Яллиғланиш:

- * трансплантатнинг вирусли шикастланиши
- * трансплантат пиелонефрити.

Д. Нефросклероз.

Трансплантиланган буйрак патологиясини ташхислаш учун биопсия лозим бўлади.

Симптом, синдром ва симптоматикалари [4, 11]:

Буйракка хос:

- Изоляцияланган микрогематурия – бир кўрув майдонида 10-30 дона эритроцит (урологик патология инкор этилганда);
- Рецидивланган макрогематурия – пешобда қон кўринади (урологик патология инкор этилганда);
- Изоляцияланган протеинурия – 0,15 г/л кўп;
- Изоляцияланган сийдик синдроми – (микрогематурия билан бирга 3,5 г/л.дан кам бўлган протеинурия);
- Нефритик синдром (шиш, артериал гипертензия, микрогематурия, 3,5 г/л.дан кам бўлган протеинурия);
- Нефротик синдром (шиш, артериал гипертензия, микрогематурия, 3,5 г/л.дан ортиқ бўлган протеинурия, гипопротеинемия, гипоальбуминемия, гиперхолестеринемия);
- Трансплантатнинг тез авж олувчи нефрити синдроми (шиш, артериал гипертензия, микро ва макро гематурия, 3,5 г/л.дан ортиқ бўлган протеинурия, қонда креатинин микдорининг ошиб бориши);
- Сийдик синдроми артериал гипертензия ва трансплантат фаолиятини секин ривожланиш билан кечувчи патология;
- Сурункали буйрак касаллиги;
- Трансплантат буйрак ўлчамларининг ўзгариши.

Буйракдан ташқари:

- Метаболик синдром;
- Экзоген Кушинг синдроми;
- Номанум генезли иситма;
- Тизимли жавоб яллиғланиш синдроми;
- Анемия, тромбоцитопения, лейкопения;
- Лейкоцитоз, СРО нинг ошиши.

Буйрак аллотрансплантацияси амалиётини ўтказган беморларда трансплантиланган буйрак патологиясини олдини олиш ёхуд эрта ташхислаш учун амбулатор шароитда қуйидаги диагностик текширувларни албатта ўтказилиши лозим бўлади [4, 9]:

Антропометрия, тана вазни индексини ҳисоблаш ва лаборатор таҳлиллар:

БАТ ўтказилганидан 1 йилгача – ҳар ойда:

БАТ ўтказилганидан 1 йилдан кейин – ҳар 3 ойда бир марта:

- умумий қон тахлили (гемоглобин, эритроцит, тромбоцит, лейкоцит, ЭЧТ);
- умумий пешоб тахлили;
- суткалик пешобни оқсилни аниқлаш;
- пешобни бактериал экиш (кўрсатма бўйича);
- қон биохимиясида мочевина, креатинин, сийдик кислотаси, умумий оқсил, альбумин, холестерин, глюкоза, калий, натрий, кальций, ЛДГ, СРО, коагулограмма (ТҚФВ, ПТИ, ХММ, фибриноген) аниқлаш;
- ИФА услубида цитомегаловирусни аниқлаш;
- Қонда иммуносупрессив моддаларни концентрациясини аниқлаш.

Йилда бир марта:

- гликогемоглобин
- инфекцион скрининг: ОИТС, HSV, Hbs Ag, оқ трипонема антигенларини аниқлаш;
- гормонлар профили: ПТГ, ТТГ;

Асбобий текширувлар (ҳар 6 ойда бир марта):

- трансплантат буйрак УТТ (ўлчами, коса-жом тизими ҳолати, хосилалар, конкрементлар ва трансплантат чўлтоғига эътибор бериш лозим);
- қорин ва кичик чаноқ бўшлиғи аъзолари УТТ;
- кўкрак қафаси рентгенографияси;
- нафас бўшлиқлари рентгенографияси;
- ЭхоКГ;
- ЭКГ
- ошқозон-ичак тизими эндоскопик текширувлари;
- буйрак артериялари ва периферик қон томирлар доплерографияси;
- қалқонсимон без УТТ;

Мутахассислар маслаҳати:

- Уролог – дизурия ва макрогематурия ҳолатида урологик касалликларни инкор этиш учун;
- Кардиолог – юрак ишемик касаллиги, юрак етишмовчиликлари ва юрак ритми бузилишларида;
- Гепатолог – вирусли гепатитларни ташхислаш ҳамда даволаш мақсадида;
- Невропатолог – энцефалопатия, полинейропатия ва невритларда;
- Эндокринолог - қандли диабет ва қалқонсимон без касалликларида;
- Отолоринголог – инфекция ўчоқлари сонацияси учун;
- Окулист – кўз тубини текшириб унда ретинопатия ва қон қуйилишларини инкор этиш учун;

- Гематолог – анемия/эритроцитоз, лейкопения/лейкоцитоз, тромбоцитопения/тромбоцитоз ҳолатида;
- Нефролог – бошқа мутахассислар кўрсатмасига кўра.

БАТ беморларини номедикаментоз ва медикаментоз даволаш

Ҳаёт тарзини тубдан ўзгартириб шифобахш жисмоний тарбия, физиотерапия каби ёрдамчи чора-тадбирларни беморларга ўргатиш ва амал қилишига кўниктириш лозим бўлади [4, 8, 12]:

- Кундалик турмушида ош тузини чеклаш, агар артериал қон босими бўлса мутлоқ истемолдан чиқариб ташлаш;
- Жисмоний зўриқишларни чеклаш, жумладан инсоляция ва совқотишга йўл қўймаслик;
- Ностероид яллиғланишга қарши воситалар, антибиотиклар ва диуретикларни ўзбошимчалик билан қабул қилинишига йўл қўймаслик;
- Ўзини назорат қилиш – тана вазни, артериал қон босими ва гликемияни;

Шунингдек БАТ беморлари мутахассис тавсиясига биноан базис иммуносупрессив терапия (трансплантат буйракни рад этилишини олдини олиш учун), гипотензив терапия, диуретиклар, гастропротекция, гепатопротекторлар ва бошқа кўрсатмаларга доимо амал қилишлари шарт [4, 7, 11].

Хулосалар

1. Буйрак аллотрансплантацияси билан беморларни нафақат соғлиғи тикланади, балки тўлақонли турмуш тарзига қайтиши ва СБК ҳисобланмиш ижтимоий муаммоларга лозим ечим берилади.
2. БАТ амалиётининг муваффақиятининг асосий негизи бу – тўғри донор аъзо танлаш билан боғлиқ.
3. Трансплантациаланган буйрак патологиясини олдини олиш учун барча БАТ амалиётини ўтказган беморлар 6-12 ой қайбый мутахассислар назорат остида бўлишлари лозим.
4. Операциядан кейин тавсия этилган тўғри турмуш тарзи ва иммуносупрессив терапия трансплантацияни муваффақиятини таъминлайди.

Литература/References

1. Данович. Габриель М. Трансплантация почки / Пер. с англ. Под ред. Я. Г. Мойсюка. – М: “ГЭОТАР-Медиа, 2014 – 431 с.
2. Данович. Габриель М. Трансплантация почки / Пер. с англ. Под ред. Я. Г. Мойсюка. – М: “ГЭОТАР-Медиа, 2013 – 848 с.
3. Иммуносупрессия при трансплантации солидных органов / Под ред. С. В. Готье. – М – Тверь: ООО “Издательство триада”, 2011 – 382 с.

4. Котенко О. Н., Шилов Е. М., Томилина Н. А., Артюхина Л. Ю., Виноградов В. Е., Захарова Е. В., Кудрявцева Е. С., Фролова Н. Ф., Шутков Е. В., Васина Н. В. Система поддержки принятия врачебных решений нефрология // Клинические протоколы лечения. - Москва – 2021 С. 26-47.
5. Шарапов О. Н., Даминов Б. Т., Ярыгина С. В., Дягилев В. А.. Сравнительное изучение структуры сердечно-сосудистых патологий сельского и городского населения Республики Узбекистан, страдающих ХБП 5-й стадии на программном гемодиализе // <https://dx.doi.org/10.18565/nephrology.2020.3.10-14>
6. Пилотович В. С., Калачик О. В. Хроническая болезнь почек . Методы заместительной терапии / - М.: Мед. лит. 2009. – 288 с.
7. T. Kable, A. Alcaraz, K. Budde, U. Humke, G. Karam, M., Lucan, G. Nicita, C. Susal. Трансплантация почки: Клинические рекомендации Европейской ассоциации урологов, 2010 / Перевод с англ. под ред. Д. В. Перлина. – М.: АБВ-Пресс, 2010. 2010. – 100 с.
8. Opelz G, Dohler B. Influence of immunosuppressive regimens on graft survival and secondary outcomes after kidney transplantation. *Transplantation* 2009; 87: 795–802.
9. KDIGO Clinical Practice Guideline on the Evaluation and Care of Living Kidney Donors (2017) http://journals.lww.com/transplantjournal/fulltext/2017/08001/KDIGO_Clinical_Practice_Guideline_on_the.6.aspx.
10. Clinical guidelines for living donor kidney transplantation (2016) http://www.transplant.bc.ca/Documents/HealthProfessionals/ClinicalGuidelines/LivingDonorKidneyClinicalGuidelines_2016.pdf.
11. European Renal Best Practice Guideline on kidney donor and recipient evaluation and perioperative care (2015) <https://academic.oup.com/ndt/article-lookup/doi/10.1093/ndt/gfu216>
12. Living Donor Kidney Transplantation: Improving Efficiencies in Live Kidney Donor Evaluation—Recommendations from a Consensus Conference <http://cjasn.asnjournals.org/content/early/2015/08/11/CJN.01040115.full>
13. Clinical Guideline for Transplant Medications // BC Transplant – an Agency of the Provincial Health Services Authority. AMB.03.007 Rev0746 Система поддержки принятия врачебных решений | НЕФРОЛОГИЯ Eff Date: June 13, 2017 <http://www.transplant.bc.ca/Documents/HealthProfessionals/ClinicalGuidelines/ClinicalGuidelinesforTRANSPLANTMEDICATIONS.pdf>
14. Cecka J. The OPTN/UNOS renal transplant registry 2003/ In: Clinical transplants 2003. Ed. Cecka J., Terasaki P. // Published by UCLA Immunogenetic Center. LA. California.
15. United Kingdom Guidelines. Management of the failing Kidney Transplant. Compiled by a Working Party of the British Transplantation Society May 2014. recipients. *Am J Transplant*, 2009. 9 Suppl 3: p. S1-155.

УДК 615.1;615.2:615.3:615.4

МОРФОЛОГИЧЕСКАЯ, ФИЗИОЛОГИЧЕСКАЯ И БИОТЕХНОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА БИФИДОБАКТЕРИЙ

Зиёда ШАРИПОВА^{1а}, Бахтиёр Умаров², Якуб Зияев³

¹PhD докторант, Ташкентский научно-исследовательский институт вакцин и сывороток

²к.б.н. старший научный сотрудник, Ташкентский научно-исследовательский институт вакцин и сывороток

³старший научный сотрудник, Ташкентский научно-исследовательский институт вакцин и сывороток

Ташкент, Узбекистан

^aAmeli.pont2103@gmail.com

MORPHOLOGICAL, PHYSIOLOGICAL AND BIOTECHNOLOGICAL CHARACTERISTICS OF BIFIDOBACTERIA

Ziyoda SHARIPOVA^{1a}, Bakhtiyor Umarov², Yakub Ziyayev³

¹PhD doctoral student, Tashkent Scientific Research Institute of Vaccines and Serums

²c.b.s. senior scientist, Tashkent Scientific Research Institute of Vaccines and Serums

³senior scientist, Tashkent Scientific Research Institute of Vaccines and Serums
Tashkent, Uzbekiston

^aAmeli.pont2103@gmail.com

BIFIDOBAKTERIYALARNING MORFOLOGIK, FIZIOLOGIK VA BIOTEXNOLOGIK XARAKTERISTIKALARI

Ziyoda SHARIPOVA^{1a}, Baxtiyor Umarov², Yakub Ziyayev³

¹PhD doktorant, Toshkent vaksina va zardoblar ilmiy tadqiqot instituti

²b.f.n. katta ilmiy hodim, Toshkent vaksina va zardoblat ilmiy tadqiqot instituti

³katta ilmiy hodim, Toshkent vaksina va zardoblat ilmiy tadqiqot instituti
Toshkent, O'zbekiston

^aAmeli.pont2103@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Бифидобактерии – микроорганизмы, широко используемые в качестве классических пробиотических микроорганизмов и пользующиеся сегодня большой популярностью среди сторонников функционального питания. Эти удивительные микроорганизмы обладают большим биотехнологическим потенциалом и сегодня используются в медицине, ветеринарии, пищевой и фармацевтической промышленности, сельском хозяйстве и различных областях народного хозяйства. Благотворное влияние бифидобактерий на организм хозяина велико и разнообразно. В данной статье представлен обзор наиболее важных технологических и биологических свойств бифидобактерий. Определение их биотехнологического потенциала: морфологические, культуральные, физиолого-биохимические характеристики, место обитания, таксономия, пищевые среды и условия культивирования, антагонистические, антиоксидантные свойства, кислотоустойчивость, желчеустойчивость, пробиотические свойства, сведения об использовании бифидобактерий в практике и промышленности.

Ключевые слова: бифидобактерии, пробиотики, микрофлора желудочно-кишечного тракта

ANNOTATION

Bifidobacteria are microorganisms that are widely used as classical probiotic microorganisms and are now very popular among supporters of functional nutrition. These amazing microorganisms have great biotechnological potential and are currently used in medicine, veterinary medicine, food and pharmaceutical industries, agriculture and various areas of the national economy. The beneficial effect of bifidobacteria on the host organism is great and varied. This article provides an overview of the most important technological and biological properties of bifidobacteria. Determination of their biotechnological potential: morphological, cultural, physiological and biochemical characteristics, habitat, taxonomy, food media and cultivation conditions, antagonistic, antioxidant properties, acid resistance, bile resistance, probiotic properties, information on the use of bifidobacteria in practice and industry.

Key words: *bifidobacteria, probiotics, gastro-intestinal microflora*

ANNOTATSIYA

Bifidobakteriyalar klassik probiotik mikroorganizmlar sifatida keng foydalanilib kelayotgan, bugungi kunda funktsional ovqatlanish tarafdorlariorasida juda mashhur bo'lgan mikroorganizmlardir. Bular ajoyib mikroorganizmlar ulkan biotexnologik salohiyatga ega bo'lib, bugungi kunda tibbiyot, veterinariya, oziq-ovqat va farmatsevtika sanoati, qishloq xo'jaligida va xalq xo'jaligining turli sohalarida qo'llaniladi. Bifidobakteriyalarning xo'jayin organizmga foydali ta'siri katta va xilma-xildir. Ushbu maqolada bifidobakteriyalarning eng muhim texnologik va biologik xususiyatlari haqida umumiy ma'lumot berilgan. Ularning biotexnologik imkoniyatlarini aniqlash: morfologik va kultural, fiziologik va biokimyoviy xususiyatlari, yashash muhiti, taksonomiyasi, oziq muhitlari va yetishtirish sharoitlari, antagonistik, antioksidant xususiyatlari, kislota qarshilik, safro qarshilik, probiotik xususiyatlari, amaliyotda va sanoatda bifidobakteriyalardan foydalanish haqida ma'lumotlar keltirilgan.

Калит со'злар: *bifidobakteriyalar, probiotiklar, me'da-ichak tizimi mikroflorasi*

Insonning me'da-ichak trakti (MIT) turli xil mikrofloralar bilan yashaydi va ular xo'jayin-organizm bilan barqaror munosabatlarni o'rnatganlar. Probiotiklar patogen bo'lmagan mikroorganizmlar bo'lib, ular oshqozon-ichak trakti mikrobiotasi bilan o'zaro hamkorlikda ishlay olishi mumkin. Ular inson salomatligi

uchun ko'plab foydalari xususiyatlarga, jumladan, xo'jayin organizmi immunitetining kuchayishi, antiallergik, mikroblarga qarshi, o'sma hujayralariga qarshi va yallig'lanishga qarshi xususiyatlarga ega. Probiotiklar ichakning buzilgan disbiotik mikrobiomasini tiklashga qodir (Homa Bazireh, Parvin Shariati, 2020). Probiotiklardan nafaqat biologik faol qo'shimcha sifatida, balki turli kasalliklarni davolashning haqiqiy strategiyasi sifatida qo'llash keng tarqalgan bo'lib, hozirgi kunda ilmiy hamda tibbiyot hamjamiyatlarining diqqat va e'tibor markazida bo'lib kelmoqda. Probiotiklarning ko'p qirrali samarali ta'siri hozirda tibbiyotning ko'plab sohalarida, shu jumladan yuqumli kasalliklar (Anwar va boshq. 2020; d'Ettorre va boshq. 2020; Silva va boshq. 2020; Tan va boshqalar) immun tizimi (Gill va boshq., 2000; Dargahi va boshq., 2020), saraton (Haghshenas va boshq., 2014; Nami va boshq. Gomez-Guzmán va boshq. 2015; Daliri va boshq. 2017), neyrodegenerativ (Westfall va boshq. 2017), yallig'lanish kasalliklari (Plaza-Díaz va boshq. 2017) va diabet (Kocsis va boshq. 2020) kabi surunkali kasallikda qo'llash samarasi yuqori baholanmoqda.

Ichak mikroblarining tarkibi va miqdori insonning yoshiga, uning fiziologik holatiga, oshqozon-ichak traktining bo'limlariga, ovqatlanishi, diyeta va boshqashu kabi ko'plab omillarga bog'liq bo'ladi. Mutaxassislarning fikriga ko'ra, ichaklardagi kattalardagi floraning umumiy massasi 1,5 kg ga yetishi mumkin. Shunga ko'ra, me'da-ichak traktining umumiy mikrobiologik populyatsiyasidagi dominant o'rinni bakteriyalarning ikkita katta guruhi: bifidobakteriyalar va bakteroidlar egallab, ular jami 90-95% ni tashkil qiladi (ba'zan undan ham ko'proq).

Inson organizmi va ichak mikroorganizmlari o'rtasidagi simbiotik munosabatlarni saqlashda klassik probiotik mikroorganizmlar sinfiga mansub bifido- va laktobakteriyalar muhim rol o'ynaydi. Bifidobakteriyalar ichak mikrobiotsenozini normallashtirish va saqlashda, metabolik jarayonlarni yaxshilash va nospetsifik chidamlilikni oshirishda yetakchi rol o'ynaydilar. Ular fermentativ jarayonlarda, vitamin hosil qilish va antagonistik funktsiyani amalga oshirish, oqsil, lipid va minerallar almashinuvini yaxshilash jarayonlarida ishtirok etadilar. Bundan tashqari, bifidobakteriyalarning foydali xususiyatlariga laktozani samarali o'zlashtirish, immunitet tizimini rag'batlantirish, qondagi xolesterin darajasini kamaytirish qobiliyati, antikarsinogen ta'sir kabilar ham kiradi. Bifidobakteriyalar ham makroorganizmning gomeostazini saqlashda ko'p funksiyali rol o'ynaydi. Bifidobakteriyalar yangi tug'ilgan chaqaloqning ichaklarini ona suti orqali kolonizatsiya qiladi va unga kirganda, ichaklar bilan barqaror simbioz munosabatlar o'rnatadi hamda insonga butun umri davomida hamroh bo'lib, uning salomatligiga ijobiy ta'sir ko'rsatishni ta'minlaydi. Bu ajoyib mikroorganizmlar juda katta biotexnologik istiqbolga ega bo'lib, bugungi kunda tibbiyotda,

veterinariya, oziq-ovqat va farmatsevtika sanoati, qishloq xo'jaligi va xalq xo'jaligining boshqa sohalarida keng qo'llanilmoqda. Bifidobakteriyalarning ko'p qirrali xususiyatlarining mashhurligi olimlar va amaliyotchilarning ularga bo'lgan doimiy qiziqishni yanada orttiradi. (Функ И.А., Иркитова А.Н. 2016)

Bifidobakteriyalarning morfologiyasi va ekologiyasi.

Bifidobacterium avlodining barcha vakillari gram-musbat, harakatsiz, spora hosil qilmaydi, hayot davomida gaz hosil qilmaydi, anaerob (ammo, ba'zi turlari aerotolerant bo'lishi mumkin), katalaza-manfiy (*Bifidobacterium indicum* va *Bifidobacterium asteroides*dan tashqari), saxarolitik mikroorganizmlardir (Biavati va boshq., 2000; Leahy va boshq., 2005). Ularning barchasi xemoorganotroflar bo'lib, ular 3:2 molyar nisbatda asosan sirka va sut kislotalari hosil bo'lgan uglevodorodlarni faol ravishda achitadi, CO₂ hosil qilmaydi. Ba'zi turlar 10% CO₂ ga boyitilgan atmosferada o'sishi mumkin. Ularning o'sishi pH 4,5 dan past yoki 8,5 dan yuqori bo'lganda to'xtaydi. Qoida tariqasida, bifidobakteriyalar preparatini Gram bo'yicha bo'yashda ular bipolyarlik bilan ajralib turadi. Biroq, bu qoida istisno emas, chunki bifidobakteriyalarning ba'zi shtammlari bo'yalganida, bifidobakteriyalarning bipolyarlik xususiyatiga mos kelmaydigan granulalar bo'lgan hujayralar shaklini oladi. Ba'zan ular kokklar zanjiriga o'xshaydi (Biavati va boshqalar, 2006). Birlamchi najasdan ajratib olingan bifidobakteriyalarning shakli to'g'ri yoki vergul shaklida, ba'zan oxirgi uchida to'g'nog'ich shaklidagi qalinlashuvlar ham bor, shoxlangan (U,-T-shakllari), donador ham bo'lishi mumkin. Bifidobakteriyalar sof kulturalarda ko'proq polimorf bo'lib, ularda zanjir shakllanishiga moyillik mavjud. Suyuq va yarim suyuq oziq muhitida "chinnigullar", "qirindilar" ko'rinishidagi tipik koloniyalar hosil qiladi. Qattiq oziq muhitidagi bifidobakteriyalar koloniyalari "paxta momig'i"ning notekis bo'laklariga o'xshaydi. (Функ И.А., Иркитова А.Н. 2016)

Bifidobakteriyalar muhitning noto'g'ri kislotaligi, kultivatsiyalash haroratining mos kelmasligi, muhit ozuqaviy komponentlarining yetishmasligi va kislorod mavjudligi kabi noqulay sharoitlarda shishgan, involyutsion, sharsimon shakllarni namoyon qiladi. Polimorfizm turlarga qarab farq qiladi. Ba'zi turlari hujayra shakllarining xilma-xilligini ko'rsatadi, boshqalari esa bir xil hujayra morfologiyasini ko'rsatadi. Ularning kattaligi $0,5-1,3 \times 1,5-8$ mkm². Ular yakka-yakka, juft-juft qilib joylashtirilib, V shaklidagi figuralarni hosil qiladi. Kultura sharoitlariga qarab, bifidobakteriya hujayralari sezilarli polimorfizmni namoyon qiladi. Kultura muhitida N-asetilglyukozamin, alanin, glutamin kislota, serin va kalsiy ionlarining ko'pligi bifidobakteriyalar hujayralarining shakliga ta'sir qilishi ko'rsatilgan (Nebra va boshq., 1999; Tharmaraj va boshq., 2003). Zich ozuqa muhitida bifidobakteriyalar turli shakl va rangdagi koloniyalarni hosil qiladi: tekis, yarim sharsimon, yaltiroq, qo'pol, rolik bilan o'ralgan, quyuqroq markazga ega, oq

va kulrangdan to'q jigarranggacha. Koloniya o'lchamlari 0,5 dan 5,0 mm gacha (Domotenko va boshq., 2014).

Dastlab izolyatsiya qilinganida, bifidobakteriyalar qat'iy anaeroblardir, lekin keying laboratoriyada yetishtirish jarayonida, ular kislorod mavjud bo'lgan muhitda rivojlanish qobiliyatiga ega bo'ladilar va yuqori darajada to'yimli muhitda esa ular butunlay aerob sharoitda o'sishi mumkin. Bifidobakteriyalarning ko'pgina shtammlaridagi kislorodga bo'lgan sezuvchanlik o'zgarib boradi, bu fermentatsiya mexanizmidagi farqlar tufayli yuzaga keladi (Функ И.А., Иркитова А.Н. 2016)

Hozirgacha tasvirlangan bifidobakteriyalarning barcha turlari quyidagiasosiy ekologik bo'shliqlarda tarqalgan: odam ichaklari, og'iz bo'shlig'i, qin bo'shlig'i, hayvonlarning oshqozon-ichak trakti (Bondarenko va boshq., 2007), hasharotlar ichaklari, fermentlar qilingan sut mahsulotlari va oqava suvlar (1-jadval). . Biroq, oxirgi ikki ekobo'shliq bifidobakteriyalar uchun ikkinchi darajali yashash joylari hisoblanadi (Domotenko va boshq., 2014).

Bifidobacterium avlodi vakillarining tipik shtammlari va ularning kelib chiqishi

Tur	Tipik shtamm			Kelib chiqishi
	Hozirgi nomi	ATCC	DSM	
<i>B. adolescentis</i>	E 194a	15703	20083	Kattalar ichak mikroflorasi; chiqindi suvlar
<i>B. angulatum</i>	B 977	27535	20098	Kattalar najaslari; Chiqindi suvlar
<i>B. animalis</i> subsp. <i>animalis</i>	R 101-8	25527	20104	Hayvonlar najasi (kalamushlar, quyonlar, dengiz cho'chqasi, Jo'jalar, buzoqlar)
<i>B. animalis</i> subsp. <i>Lactis</i>	UR1	27653	10140	Yogurt
<i>B. asteroides</i>	C 51	25910	20089	<i>Apis mellifera</i> ichaklari (subsp. <i>mellifera, ligustica, caucasica</i>)
<i>B. bifidum</i>	Ti	29521	20456	Katta odam, bolalar va buzoqlar najasi; inson qin mikroflorasi
<i>B. bombi</i>	Blu CI/TP	BAA- 1567	19703	Arilar hazm trakti (<i>Bombus lucorum,</i> <i>Bombus pascuorum</i> va <i>Bombus lapidarius</i>).
<i>B. boum</i>	RU 917	27917	20432	Qoramol oshqozoni; cho'chqa najasi

<i>B. breve</i>	S 1	15700	20213	Bolalar va buzoqlar ichaklari; Odam qini; chiqindi suvlar
<i>B. catenulatum</i>	B 669	27539	20103	Kattalar va bolalar ichaklari; odam qini;
<i>B. choerinum</i>	SU 806	27686	20434	Cho'chqa najasi; chiqindi suvlar
<i>B. coryneforme</i>	C 215	25911	20216	<i>Apis mellifera</i> ichaklari (subsp. <i>mellifera</i>)
<i>B. cuniculi</i>	RA 93	27916	20435	Quyvon najasi
<i>B. denticolens^b</i>	B 3028		10105	Tishb karashi, odam so'lagi
<i>B. dentium</i>	B 746	27534	20436	Odam og'iz bo'shlig'i va tish karashi; kattalar najasi; odam qini; appendiks absessi
<i>B. gallicum</i>	P 6		20093	Odam najasi
<i>B. gallinarum</i>	Ch 206-5	33777	20670	Jo'ja ko'r ichagi
<i>B. indicum</i>	C 410	25912	20214	<i>Apis cerana</i> va <i>A.</i> <i>Dorsata</i> ichaklari
<i>B. inopinatum^b</i>	B 3109		10107	Tish karashi
<i>B. longum</i> subsp. <i>longum</i>	E 194b	15707	20219	Kattalar, bolalar va buzoqlar ichaklari; odam qin mikroflorasi; chiqindi suvlari
<i>B. longum</i> subsp. <i>infantis</i>	S 12	15697	20088	Chaqaloqlar va buzoq ichaklari; odam qin mikroflorasi
<i>B. longum</i> subsp. <i>suis</i>	SU 859	27533	20211	Cho'chqa najasi
<i>B. magnum</i>	RA 3	27540	20222	Quyvon najasi
<i>B. merycicum</i>	RU 915B	49391	6492	Buqa oshqozoni
<i>B. minimum</i>	F 392	27538	20102	Chiqindi suvlari
<i>B. mongoliense</i>	YIT 10443		21359	An'anaviy mo'g'ul achitilgan sutli ichimlik
<i>B. pseudocatenulatum</i>	B 1279	27919	20438	Chaqaloq va buzoq najasi; Chiqindi suvlar
<i>B. pseudolongum</i> subsp. <i>pseudolongum</i>	PNC-2-9G	25526	20099	Cho'chqa, jo'ja, buqa, buzoq, kalamush, dengiz cho'chqasi najaslari
<i>B. pseudolongum</i> subsp. <i>globosum</i>	RU 224	25865	20092	Cho'chqa, buzoq, kalamush, quyon, qo'zichoq najasi; buqa

				oshqozoni
<i>B. psychraerophilum</i>	T 16	LMG 21775		Cho'chqa ko'r ichagi
<i>B. pullorum</i>	P 145	27685	20433	Jo'ja najasi
<i>B. ruminantium</i>	RU 687	49392	6489	Buqa oshqozoni
<i>B. saeculare</i>	RA 161	49392	6531	Quyov najasi
<i>B. scardovii</i>	CCUG 13008		13734	Odamning siydigi va qoni
<i>B. subtilis</i>	F 395	27537	20096	Chiqindi suvlar
<i>B. thermophilum</i>	P 2-91	21525	20210	Cho'chqa, buzoq va jo'ja najasi; buqa oshqozoni; chiqindi suvlar
<i>B. thermacidophilum</i> subsp. <i>thermacidophilum</i>	AS 1.2282	LMG 21395		Chiqindi suvlar
<i>B. thermacidophilum</i> subsp. <i>porcinum</i>	P 3-14	LMG 21689		Cho'chqa bolasi najasi
<i>B. tsurumiense</i>	OMB115 ^T		17777	Tillarang xomyakning tish karashi

1. ATCC – American Type Culture Collection;

DSM – Deutsche Sammlung von Mikroorganismen; LMG – Bacteria Collection Universiteit Gent.

Bifidobakteriyalar taksonomiyasi tarixi va uning zamonaviy shakli

Bir necha o'n yillar oldin, olimlar go'dak hayotining 3-4 kunlarida tabiiy ko'krak suti bilan boqish sharoitida, uning najas mikroflorasi gram-musbat spora hosil qilmaydigan, deyarli sof kulturadan iborat, anaerob tayoqchalardan iborat ekanligiga e'tibor qaratdilar. Parijdagi Paster institutining bakteriologik laboratoriyasida Mechnikovning shogirdi va hamkasbi bo'lgan Tissier birinchimarta chaqaloqlarning axlatidan bifidus bakteriyalarini ajratib oldi (1899–1905) (Функ И.А., Иркитова А.Н. 2016 Poupard va boshq., 1973) Tissier ularga *Bacillus bifidus* nomini berdi. 1917 yilda Winslow va boshqalar *Lactobacillus* oilasini yaratishni taklif qildilar (Winslow va boshqalar, 1917) va uch yildan so'ng Gollandiya Tissier (Gollandiya, 1920) tomonidan ajratilgan *Lactobacillus bifidus* shtammni nomladi. 1924 yilda Orla-Jensen *Bifidobacterium* avlodini alohida taksonga ajratdi (Orla-Jensen, 1924 yil; Prasanna va boshqalar, 2014). 1957 yilda Dehnert birinchi marta *Bifidobacterium* avlodida ko'plab biotiplarning mavjudligini aniqladi va uglevod fermentatsiyasiga asoslangan ushbu

bakteriyalarning besh guruhi uchun differentsiatsiya tizimini taklif qildi (Dehnert, 1957). Biokimyoviy va serologik belgilarga asoslanib, o'sha davrda allaqachon ma'lum bo'lgan *B. bifidum*dan tashqari, Reuter 1963-yilda Bifidobacterium avlodiga mansub bakteriyalarning yana yetti turini aniqladi va ularni aniqlashsxemasini taklif qildi. Hozirgi vaqtda 64 tur va 10 kenja turni ifodalovchi 74 ta takson rasmiy ravishda Bifidobacterium avlodi vakillari sifatida tan olingan (Monica Modesto, Koichi Watanabe, 2019). *Bifidobacterium* avlodida Reuter quyidagi turlarni aniqladi: *B. bifidum* var. a va b; *B. infantis*; *B. parvulorum* var. a va b; *B. breve* var. a va b; *B. liberorum*; *B. lactentis*; *B. adolescentis* var. a, b, c va d; *B. longum* var. a va b (Reuter, 1963). 1969 yilda Mitsuoka bifidobakteriyalar uchun boshqa tasniflash sxemasini taklif qildi. Unga ko'ra, birinchidan, *B. longum* turiga ikkita yangi biotip (*B. longum* subsp. *Animalis* a va b), ikkinchidan, bifidobakteriyalarning allaqachon ma'lum bo'lgan xilma-xilligiga (*B. thermophilum* va *B. pseudolongum*) hayvonlarning najasidan ajratilgan (Mitsuoka, 1969). O'sha yili Skardovi va boshqalar qoramolning qorin bo'shlig'idan *B. ruminale* (keyinchalik *B. thermophilum* bilan bir xil ekanligi aniqlandi) va *B. globosummi* ajratib oldilar (Scardovi va boshqalar, 1969). Shu bilan birga, Skardovi va Trovatelli asal asalarilarning ichaklaridan morfologiyasi ushbu avlodning allaqachon ma'lum bo'lgan vakillaridan farq qiladigan uchta yangi turni (*B. asteroides*, *B. indicum* va *B. coryneforme*) ajratib oldilar (Scardovi va Trovatelli, 1969).

Molekulyar usullardan foydalanish, ya'ni 16S ribosoma RNK/DNK ketma-ketligini tahlil qilish tufayli *Bifidobacterium* avlodi vakillarini to'g'ri tasniflash mumkin bo'ldi (Ventura va boshq., 2007; Downes va boshq., 2010). *Bifidobacterium* avlodi, shuningdek, *Gardnerella* (turi va yagona turi - *Gardnerella vaginalis* (Greenwood, Pickett, 1980) bir xil *Bifidobacteriaceae* oilasiga kiritilgan bo'lib, ular *Actinobacteria* sinfidagi *Actinobacteria* kenja sinfidagi *Bifidobacteriales* guruhiga kiritilgan. Keyinchalik *Bifidobacteriaceae* oilasiga beshta yangi avlod kiritildi: *Aeriscardovia* (yagona tur- ilgari "*Bifidobacterium aerophilum*" nomi bilan tanilgan *Aeriscardovia aeriphila*). (Simpson, 2004), *Alloiscardovia* (yagona turi - *Alloiscardovia omnicolens* (Huys va boshq., 2007), *Metiscardovia* (turi va yagona turlari - *Metiscardovia* (Okamoto et al., 2007; Anderson et al., 2013),, *Pariscardovia* (yagona turi bu *Pariscardovia denticolens* (Jian va Dong, 2002) ilgari "*Bifidobacterium denticolens*" (Milani va boshq., 2013) nomi bilan mashhur bo'lgan va *Scardovia* (bugungi kunda ma'lum) avlodi ikkita turni o'z ichiga oladi: *Scardovia inopinata*, ilgari *Bifidobacterium inopinatum* deb nomlanuvchi va *Scardovia wiggsiae* (Downes va boshq., 2010).

Yashash joyi

Bifidobakteriyalar inson ichak mikroflorasi va hayvonlarning qat'iy mikroflorasi bo'lib, ularning aksariyat qismi yo'g'on ichakda to'planadi hamda uning asosiy devor oldi va bo'shliq mikroflorasini tashkil etadi (Функ И.А., Иркитова А.Н. 2016).

Insonning bifidobakteriyalar uchun manba sifatidagi ishtiroki

Inson bifidoflorasi besh turdagi bifidobakteriyalar bilan ifodalanadi: *B.bifidum*, *B longum*, *B.adolescentis*, *B.infantis* va *B.breve*. *B.bifidum* va *B.longum* turlari barcha yoshdagi sog'lom odamlarda aniqlanadi. *B.adolescentis* turi faqat kattalar va katta yoshdagi bolalar uchun xosdir; keksa yoshli odamlarda ushbu tur ustunlik qilib boradi. *B.infantis* va *B. breve* turlari faqat chaqaloqlarda uchraydi, *B.infantis* turi esa mazkur yosh davrida ustun tur bo'lib, bunda ushbu tur organizm uchun eng muhim davr hisoblanadi (Celeste J. Brown, 2019).




Hayvonlar bifidobakteriyalarning manbasi sifatida

Cho'chqalarda bifidobakteriyalarning *B.globosum* turi (25,5%) ustun ekanligi aniqlandi, chastotasi bo'yicha ikkinchi o'rinda *B.pseudolongum* (15,7%), uchinchi o'rinda - *B.adolescentis* (13,7%). Buzoqlarda bifidobakteriyalardan *B.pseudolongum* va *B.pseudocatenulatum* (23,8%), undan keyin *B.globosum* (19,0%) va keyingi eng katta shtammlar guruhi *B.adolescentis* turiga (9,6%) mansub bifidobakteriyalardir (Функ И.А., Иркитова А.Н. 2016). Shuni ta'kidlash joizki, primatlar va tovuqlardan *B.lactis*ning stressga chidamli yangi shtammlari ham ajratib olingan (M.A. Sarkis, L. Siroli 2019).

Oziq muhitlari va yetishtirish sharoitlari

Bifidobakteriyalarni ajratish va yetishtirish uchun turli xil muhitlar qo'llaniladi. V.F. Semenixina bifidobakteriyalarni ajratish uchun jigar-sisteinli Blaurokk muhitini qulay ekanligini ko'rsatdi. Shuningdek, bifidobakteriyalarni ajratib olishda fekaliyning 9-10 qayta ekilgan avlodlaridan foydalanish tavsiya qilinadi. Shunda Xenel muhiti ham bifidobakteriyalarni yetishtirishda bifidobakteriyalarning to'g'nog'ichsimon va shoxlangan formalarning hosil bo'lishiga va yirikroq koloniyalarni ajratishga yordam bersa, jigarli muhitda esa kirikroq koloniyalari hosil boladi . (Функ И.А., Иркитова А.Н. 2016). Shuni ta'kidlash joizki, hozirgi kunda ushbu muhitlarning o'rnini bosuvchi "Bifidum" muhiti ham amaliyotda ko'p qo'llanilmoqda. Adabiyotlar tahliliga ko'ra, o'tkazilgan tadqiqotlar "Bifidum" muhitini bifidobakteriyalar shtammlarini o'rganishda, probiotik preparatlarni tahlil qilishda va najasni tahlil qilishda muvaffaqiyatli qo'llanilishi mumkinligini ko'rsatdi. "Bifidum" muhitini keng qo'llaniladigan Blaurok jigar muhiti bilan taqqoslash shuni ko'rsatdiki, bifidobakteriyalarning oziq muhitlarida o'sishida nafaqat hech qanday tafovut aniqlandi, balki ushbu muhitning ba'zi afzalliklari ham aniqlandi. O'tkazilgan sinovlar jigar muhitini, quruq shaklda ishlab chiqarilgan va uzoq muddat saqlash

xususiyatiga ega bo'lgan, savdodagi “Bifidum” muhiti bilan almashtirish imkoniyatini ko'rsatdi. (Домотенко Л.В., Шепелин А.П. 2014)

		
<i>B.adolescentis</i>	<i>B.longum</i>	<i>B.bifidum</i>
<i>Suyuq muhitda o'stirilgan Bifidobacterium avlodi vakillarining mikroskopik ko'rinishi</i>		

Bifidobakteriyalar fiziologiyasi. O'sishning harorat oralig'i

Fermentatsiya turi geterofermentativdir. Saxaroza, galaktoza, fruktoza maltoza, melibioza, rafinoza, laktoza va boshqa uglevodlarni, asosan sut va sirka kislotalarigacha faol parchalaydi. Chumoli, suksinil kislotalar, shuningdek, etanoldan iborat aralashmalari hosil bo'ladi. Katalaza, H₂S hosil qilmaydi, nitratlarni nitritlargacha qaytarmaydi, ureaza faolligiga ega emas, jelatinni suyultirmaydi. Bifidobakteriyalar tomonidan fermentlangan sutning kislotalilik chegarasi 2-4 kundan keyin 100-130 °Tni tashkil etadi.

Sut kislota bakteriyalari singari, bifidobakteriyalarning biologik faol moddalarga bo'lgan ehtiyoji katta va xilma-xildir. Ko'pgina turlar biotin, pantotenik kislota, sistein, riboflavin, purin va pirimidin asoslari, peptidlar, aminokislotalar, koenzim A, oligosaxaridlar, ba'zi to'yinmagan yog'li kislotalar va boshqalarga muhtoj. Ba'zi alohida shtammlarga karbonat angidrid, ammiak, gistidin kerak. Aminokislotalardan esa lizin, prolin, serin, alanin, asparagin va glutamin kislotalar talab etiladi.

Bifidobakteriyalarning ba'zi shtammlari sigir sutida mavjud bo'lmagan (ona sutida mavjud) azot biriktiruvchi oligosaxaridlar-N-asetil-glyukozamin, N-asetil-galaktozamin, N-atsetil-mannozamin ishtirokida o'sadi.

Sintetik muhitda bifidobakteriyalar uchun o'sish uchun temir, magniy, fosfatlar, kaliy va natriy xloridlar, ba'zi hollarda marganets kerak. Sutda bifidobakteriyalar sekin rivojlanadi, chunki sigir suti ularning tabiiy yashash muhiti hisoblanmaydi. Sutdagi bifidobakteriyalarning yomon o'sishining

sabablaridan biri unda erigan kisloroddir. Ularda kazeolitik faollik kuzatilmaydi, ular kazeinni faqat qisman gidrolizdan so'ng o'zlashtira oladi. Kazeinning parchalanishi natijasida bifidobakteriyalarning o'sishini rag'batlantiradigan polipeptidlar, glikopeptidlar, aminokislotalar hosil bo'ladi. Bifidobakteriyalarning o'sishi tozmozlanishining yana bir sababi ulardagi fosfataza faolligining past bo'lishi mumkin.

Kislotalar va bakteriotsinlarni ishlab chiqarish orqali bifidobakteriyalar patogen va opportunistik mikroorganizmlar: zonne shigellasi, Flexner shigellasi, enteropatogen ichak tayoqchasi, salmonellalar, stafilokokklar va boshqalarga nisbatan antagonist hisoblanadi. Patogen mikroblarga qarshi antagonistik faollik namoyon etishi bilan birga, normal mikrofloraning himoya funksiyasini ta'minlashda mahalliy immunitet omillariga o'zining tartibga soluvchi ta'sirini ta'minlashda va xo'jayin organizmning umumiy immunologik holatini oshirishda muhim ahamiyatga ega. Antagonizmdan tashqari bifidobakteriyalar antioksidant faollikka ham (Функ И.А., Иркитова А.Н. 2016)

Bifidobakteriyalarni yetishtirish uchun optimal harorat 37-41 ° S (Egan va boshq., 2014). 20 ° C dan past va 46 ° C dan yuqori haroratlarda o'sish kuzatilmaydi, 47 ° C da o'sishi mumkin bo'lgan yagona *B.thermacidophilum* bundan mustasno (Uelivon va boshq., 2007). Shuningdek, shtammni izolyatsiya qilish manbasiga qarab ba'zi farqlar qayd etilgan. "Odam" emas, balki "hayvon" ning aksariyat shtamlari bunday yuqori haroratda o'sish qobiliyatiga ega (Uelivon va boshq., 2007).

Kislorod bilan aloqasi

Bifidobakteriyalar anaeroblardir (Barret va boshq., 2013). Biroq, *B. psychraerophilum*, *B. lactis* (Simpson va boshq., 2004) kabi ba'zi shtammlar aerotolerantdir. Bifidobakteriyalarning ba'zi shtammlarining aerotolerantligi zaif katalaza faolliги yoki NADH oksidaza ta'siri bilan izohlanishi mumkin (Oberg va boshq., 2013).

Kislorodga sezgirligi yuqori bo'lgan shtamlarda vodorod peroksidining to'planishi zararli omil hisoblanadi, chunki u bifidobakteriyalarda uglevod almashinuvining asosiy fermentini, fruktoza-6-fosfat-fosfoketolazani inaktivatsiya qiladi (F6FFK; Zhihong va boshq., 2015). Bifidobakteriyalar va tegishli avlod vakillari F6PPK yo'li orqali fermentni parchalovchi geksoza bo'lgan fruktoza-6-fosfat fosfoketolazaga (F6PPK) ega bo'lib, bu Bifidobakteriya va tegishli avlodlarni identifikatsiyalash uchun taksonomik marker hisoblanadi (Monica Modesto, Koichi Watanabe, 2019). Boshqa shtammlar vodorod peroksidni to'plamaydi, chunki ular o'sishi uchun past oksidlanish-qaytarilish potentsialini (ORP) talab qiladi. Fermentatsiya mahsulotlari hayotiy funktsiyalarni bajarish uchun ortib borayotgan ORP qiymatini o'rnatish tufayli bifidobakteriyalarning

o'sishini ingibitsiya qilishga olib kelishi mumkin. Hozirgacha bifidobakteriyalarda kislorod sezgirliги va kislorod almashinuvi o'rtasidagi bog'liqlikni o'rganish uchun juda kam tadqiqot olib borildi. Biroq, kamaytirilgan NADH peroksidaza va superoksid dismutaza *B. breve*, *B. infantis* va *B. longum* shtammlarida kislorod zaharlanishidan himoya qilishda rol o'ynashi allaqachon ko'rsatilgan (Talwalkal va boshq., 2004). Shubhasiz, hatto bunday chambarchas bog'liq mikroorganizmlar guruhida ham, eng muhim ko'rsatkich bo'lgan kislorodni ko'tara olmaslik, turli shtammlar uchun farq qilishi mumkin.

Bifidobakteriyalarning texnologik qimmatli xususiyatlari

Antagonistik xususiyati. Hozirgacha o'rganilgan bifidobakteriyalarning barcha turlari (*B.bifidum*, *B.longum*, *B.adolescentis*, *B.infantis* va *B.breve*) *E.coli*, *tillarang stafilokokklar*, *Candida albicans*, *Proteus mirabilis*, *P.vulgaris*, *Shigella sonnei*, *Sh.flexneri*, *Klebsiella pnevmoniyasi*, *Citrobacter freundii*, *Bacillus subtilis* kabi patogen va shartli patogenlar mikroorganizmlarga qarshi kuchli antagonistik ta'sir namoyon qiladi. Shu o'rinda ular asosan sut mahulotlaridan yuzaga keluvchi ovqatdan zaharlanishga sabab bo'luvchi *S.aureus* va *Sh.sonnei* ga eng yuqori ingibirlovchi ta'sir ko'rsatadi. Antagonistik ta'sirning natijasi tekshirilayotgan mikrobnng o'sishi sekinlashuvi, to'xtashi yoki uning o'limi shaklida namoyon bo'lishi mumkin

Bifidobakteriyalarning antagonistik faolligi alohida shtammlarda va kompleks holida o'rganiladi. Amaldagi probiotik kulturalar turlarining ko'payishi ichak infeksiyalari patogenlariga qarshi antagonistik ta'sirning kuchayishiga olib kelishi aniqlandi (Функ И.А., Иркитова 2016).

Antioksidant xususiyatlari. Bundan tashqari, bifidobakteriyalar antioksidant xususiyatga ham ega. Tomsk Politexnika universitetida probiotiklardagi antioksidant faollikni aniqlash bo'yicha katodli voltmetriyaning kislorodni elektroreduksiya qilish jarayonlariga asoslangan tajriba o'tkazildi. Tajriba katodning voltammogrammalarini voltametrik analizator yordamida olishdan iborat edi. Tajribada antioksidant faolligining biokompozitsiyaning pH muhitning qiymatiga qarab o'zgarishi o'rganildi., chunki muhitning pH darajasi u tayyorlangan paytdan boshlab vaqt o'tishi bilan o'zgaradi. Bifidobakteriyalarning maksimal antioksidant xususiyatlari pH 5,78 bo'lganda namoyon bo'ladi. Saqlashda biokompozitsiyaning kislotaliligi oshadi va antioksidant faolligi esa pasayadi (Функ И.А., Иркитова 2016).

Цель исследования. Определение иммунологических параметров инфекционного мононуклеоза у детей для обоснования его ранней диагностики и лечения.

Материалы и методы исследования: Обследовано 233 ребенка, больных ИМ, различными формами ангин и острыми респираторными

вирусными инфекционными заболеваниями, сопровождающимися мононуклеозоподобным синдромом, лимфаденитом, и гепатомегалией. Диагноз выставлялся в соответствии с МКБ-10 пересмотра на основании: клинико-эпидемиологических, общеклинических, биохимических и специфических (серологического и молекулярно-генетического) исследований: методы ИФА и ПЦР. Наиболее часто встречаемой формой болезни в данном исследовании была среднетяжелая форма (98,5%), тяжелая регистрировалась лишь в 1,5% случаев.

Нами были выделены три наблюдаемые группы: I группу составили 40 (65,3%) детей, больных ИМ ВЭБ, в возрасте от 1 года до 14 лет, из них дети раннего возраста (от 1 года до 3 лет) составили 45,1%, дошкольного (от 4 до 6 лет) - 42,5% и школьного возраста (от 7 до 14 лет) - 12,4%. Чаще болели мальчики (61,4%).

Во II группе состояли 33 ребенка, больных ИМ ЦМВ, в возрасте от 1 года до 6 лет 14 (43,7%) детей в возрасте до 3 лет, 19 (56,3%) - 4-6 лет) из них 7 мальчиков и 12 девочек. В III группу вошли 60 детей с микст-инфекцией - эту группу составили 8 (13,3%) детей в возрасте от 1 года до 3 лет, 39 (65%) детей - с 4 до 6 лет и 13 (21,7%) - старше 7 лет. Из них 28 (46,7%) детей, больных ИМ ВЭБ и ЦМВ. У 5 (8,3%) детей был зарегистрирован ИМ, вызванный ВЭБ и ВПГ типа 1, микст-инфекция вызванная ЦМВ и ВПГ 1 типа регистрировалась у 3 (5,0%) больных, сочетание всех трех вирусов герпеса выявлено у 2 (3,3%) детей. ИМ вызванный ВЭБ в сочетании с другими возбудителями был выявлен у 22 детей (с вирусным гепатитом А - у 10 (16,7%) детей, с листериями - 12 (20,0%) больных)

У 64 детей, больных ангинами и ОРВИ с лимфаденитами, обследованных нами с целью выявления атипичных форм ИМ, при обследовании были получены отрицательные результаты, и диагноз ИМ выставлен не был.

36 пациентам (ИМ ВЭБ - 25, ИМ ЦМВ - 13, ИМ ВЭБ и ЦМВ - 10) в комплексную терапию был включен препарат «Циклоферон» - индуктор интерферона-а производства «Полисан» НТФ ООО. Препарат назначали в таблетках в дозах: детям 4 - 7 лет - по 150 мг (1 таблетка), 7-10 лет - 300 мг (2 таблетки), 10-14 лет - 450 мг (3 таблетки) 1 раз в день за 30 минут до еды по базовой схеме на 1, 2, 4, 6, 8, 11, 14, 17, 20-й день болезни. Дети группы сравнения (36 человека, у которых диагностировали: ИМ ВЭБ - 8, ИМ ЦМВ - 16, ИМ ВЭБ и ЦМВ - 12) получали только «традиционную» терапию, включающую в себя противовирусную и симптоматическую. Сравнимые группы были сопоставимы по возрасту, полу и группам здоровья.

Для установления патогенетических механизмов основных клинических симптомов изучали уровень сывороточных цитокинов у больных детей с учетом этиологического фактора ИМ. Определение цитокинов ИЛ-2, ИЛ-6, ИЛ-8 проводилось в острую фазу (2-3 день заболевания) и в фазу реконвалесценции (15-16-й день заболевания) для фактической оценки течения болезни и адекватности проводимой терапии. Интерлейкины определяли с помощью специфических реактивов фирмы ООО «Цитокин» (СПб) методом сэндвич-варианта твердофазного иммуноферментного анализа согласно прилагаемой инструкции. Учет результатов осуществляли с помощью иммуноферментного анализатора «Multiscan» (Финляндия). Количество выражали в пикограммах на миллилитр (пг/мл).

Статистическую обработку полученных результатов проводили на персональном компьютере в операционных средах WindowsXP с использованием пакета прикладных программ «Statistika 6,0». Объем выполненных исследований позволял оценить результаты с достоверностью 95-99% при использовании соответствующих статистических методов.

Результаты исследования и обсуждение.

Ряд авторов считает, что основная роль в патогенезе ИМ принадлежит клеточным механизмам, другие указывают на комплексный характер изменений клеточно-гуморальных звеньев. Изучение функционирования иммунной системы при ИМ на современном этапе включает в себя процесс уточнения механизмов иммунологических реакций с позиции цитокиновой концепции. Учитывая клинические проявления и особенности течения ИМ различной этиологии, была проведена оценка цитокинового статуса для определения особенностей иммунопатогенеза у наблюдаемых больных. Направление динамики сывороточных цитокинов: ИЛ-2, ИЛ-6, ИЛ-8 при ИМ не зависело от этиологического фактора (рис. 6). При ИМ ВЭБ уровень ИЛ-2, в острый период болезни у детей был ниже уровня здоровых детей ($28,7 \pm 4,3$ пг/мл $p < 0,05$). При ИМ ЦМВ и ИМ ВЭБ и ЦМВ содержание ИЛ-2 ($31,7 \pm 3,4$ пг/мл и $30,4 \pm 2,8$ пг/мл, соответственно) находилось в пределах показателей контрольной группы и достоверных отличий не имело ($p > 0,05$). У больных ИМ ВЭБ было отмечено повышение уровня ИЛ-6 ($112,7 \pm 19,6$ пг/мл против контроля $8,4 \pm 0,7$ пг/мл, $p < 0,001$), при ИМ ЦМВ и ИМ ВЭБ и ЦМВ он повышался до $63,6 \pm 11,9$ пг/мл и $56,5 \pm 8,1$ пг/мл, соответственно. Анализ уровня ИЛ-8 показал, что в острый период заболевания он повышался независимо от возбудителя. Так, при ИМ ВЭБ он составил $163,9 \pm 20,0$ пг/мл против контрольных величин $19,0 \pm 0,8$ пг/мл ($p < 0,001$). При ИМ ЦМВ

концентрация данного цитокина нарастала до $52,6 \pm 2,5$ пг/мл ($p < 0,001$), а при ИМ ВЭБ и ЦМВ составила $88,9 \pm 8,2$ пг/мл ($p < 0,001$).




Рис. 1. Динамика сывороточных цитокинов у больных инфекционным мононуклеозом различной этиологии в начале заболевания

Анализируя содержание ИЛ-2 в поздние сроки болезни, была зафиксирована нарастающая динамика во всех исследуемых группах (рис. 7.). При этом максимальной она зарегистрирована у больных ИМ ЦМВ ($53,5 \pm 12,0$ пг/мл, против контроля $33,0 \pm 2,0$ пг/мл, $p < 0,01$). При ИМ ВЭБ и ЦМВ уровень ИЛ-2 вырос, составив $51,4 \pm 8,0$ пг/мл ($p < 0,001$), превышая контрольные величины. При ИМ ВЭБ отмечалось наименьшее повышение концентрации ИЛ-2 ($46,9 \pm 7,6$ пг/мл), но она также была выше контрольного уровня ($p < 0,05$). У реконвалесцентов при различном этиологическом компоненте была зафиксирована динамика снижения ИЛ-6 с неравной интенсивностью. Так, наибольшее снижение отмечалось у больных ИМ ВЭБ ($10,3 \pm 1,1$ пг/мл), но его уровень по-прежнему был выше контроля ($p < 0,05$), при ИМ ЦМВ ИЛ-6 снижался с меньшей интенсивностью, но также превышал нормальные показатели ($p < 0,01$). Наибольшим ИЛ-6 был у детей с ИМ ВЭБ и ЦМВ ($37,8 \pm 3,7$ пг/мл, $p < 0,001$). В период реконвалесценции при ИМ ЦМВ регистрировалось снижение уровня ИЛ-8 до значений контрольных величин ($20,7 \pm 2,8$ пг/мл против $19,0 \pm 0,8$ пг/мл, $p > 0,05$). При ИМ ВЭБ он также значительно снижался, но все еще превышал контроль в 2 раза, составив $37,9 \pm 4,7$ пг/мл. Секреция ИЛ-8 у детей с микст-инфекцией имела лишь тенденцию к снижению, оставаясь практически на прежнем уровне ($88,9 \pm 8,2$ пг/мл против $83,1 \pm 5,7$ пг/мл, $p > 0,05$ в острый период и реконвалесценции, соответственно) и была наиболее высокой. На наш взгляд

вышеописанная динамика цитокина указывает на разную степень реактивности иммунной системы на различные вирусы.




Рис. 2. Динамика сывороточных цитокинов у больных инфекционным мононуклеозом различной этиологии в разгар заболевания.

Эффективность применения индуктора интерферона оценивалась по регрессу клинических симптомов, таких как продолжительность лихорадки, ангины, лимфаденопатии, гепатоспленомегалии, а так же по динамике иммунологических показателей. Использование индуктора интерферона в комплексной терапии ВЭБ-ИМ, привело к сокращению продолжительности основных симптомов: гипертермия в исследуемой группе детей регистрировалась в среднем $5,2 \pm 1,3$ дня, ангина $4,8 \pm 0,8$ дней, нарушение носового дыхания - $5,3 \pm 0,9$ дней. В группе традиционной терапии лихорадка сохранялась $9,8 \pm 1,6$ дней, ангина - $7,2 \pm 1,3$ дня, нарушение носового дыхания - $7,9 \pm 0,9$ дней ($p < 0,01$). Так же отмечалась положительная динамика при спленомегалии, тенденция к уменьшению размеров органа наблюдалась на $4,2 \pm 0,8$ день ($p < 0,01$), в то время как в группе сравнения на $6,4 \pm 1,2$ день. Динамика таких клинических признаков, как лимфаденопатия и гепатомегалия несущественно меняется в зависимости от методов терапии.

Исследуя уровень цитокинов у больных сИМ ВЭБ, установлено, что их концентрации, в зависимости от применяемой терапии оказались однонаправленными, но разной интенсивности. Так уровень ИЛ-2 в обеих группах увеличивался, но в группе больных, получавших индуктор интерферона, зафиксирована наибольшая интенсивность роста ($39,4 \pm 5,1$ пг/мл). У пациентов в группе, получавшей стандартную терапию с включением циклоферона отмечено существенное снижение уровня ИЛ-6 и

ИЛ-8 (в 12,1 раза и в 4,9 раза соответственно) а у больных, получавших только традиционную терапию, содержание ИЛ-8 снижалась менее значительно в 3,9 раза.

На фоне применения индуктора интерферона в комплексном лечении ИМ ЦМВ динамика была несколько интенсивнее, чем в группе сравнения. Достоверно укорачивалась продолжительность лихорадки, чем в группе сравнения ($4,2 \pm 0,4$ и $6,5 \pm 0,8$ дней), афты эпителизировались на $3,7 \pm 0,5$ и $5,5 \pm 0,8$ день, соответственно, размеры селезенки нормализовались на $3,4 \pm 0,5$ и $4,6 \pm 0,6$ день, соответственно ($p < 0,01$). Динамика обратного развития таких симптомов, как лимфаденопатия наблюдалась на $3,8 \pm 0,4$ день, печени - $4,7 \pm 0,7$ день.

При включении в лечение больных ИМ ЦМВ индуктора интерферона уровень ИЛ-2 увеличивался до $67,3 \pm 14,1$ пг/мл ($p < 0,01$), тогда как в группе, получавшей только традиционную терапию, была зафиксирована меньшая интенсивность его роста ($39,7 \pm 4,6$ пг/мл, $p < 0,01$). Содержание ИЛ-6 у больных, получавших, стандартную терапию, снижалось до $42,3 \pm 3,0$ пг/мл, в то время как у детей, получавших и индуктор интерферона, оно составило $34,3 \pm 2,6$ пг/мл ($p < 0,01$). Зафиксировано статистически достоверное снижение ИЛ-8 в обеих группах сравнения. Однако, его уровень у больных, получавших индуктор интерферона, был значительно ниже, чем на фоне стандартной терапии ($p < 0,01$) и практически равнялся контролю ($18,2 \pm 1,6$ пг/мл, против $19,0 \pm 0,8$ пг/мл, $p > 0,05$).

При лечении микст-инфекции индуктором интерферона наибольший клинический эффект отмечен при исследовании динамики общеинтоксикационного и тонзиллярного синдромов. Так, лихорадка в данной группе детей регистрировалась в среднем $4,0 \pm 1,5$ дня ($p < 0,01$), ангина - $4,2 \pm 0,9$ дня ($p < 0,01$). Длительность лечения афтозного стоматита составляла $3,3 \pm 0,5$ дня, в то время как в группе сравнения - $5,3 \pm 0,9$ дня ($p < 0,01$).

При включении в лечение иммуномодулятора у пациентов с ИМ ВЭБ и ЦМВ уровень ИЛ-2 увеличивался до $59,2 \pm 10,1$ пг/мл, тогда как в группе больных, получавших традиционную терапию до $43,6 \pm 6,0$ пг/мл ($p < 0,01$). Содержание ИЛ-6 достоверно снижалось в обеих исследуемых группах по отношению к контрольным показателям в 2,6 раза: в группе, получавшей индуктор интерферона до $27,0 \pm 1,8$ пг/мл, при традиционной терапии - до $24,1 \pm 1,6$ пг/мл (между обеими группами достоверных различий выявлено не было). Содержание ИЛ-8 у пролеченных индуктором интерферона больных снизилось незначительно ($77,3 \pm 3,5$ пг/мл, против исходных $88,9 \pm 9,7$ пг/мл,

$p > 0,05$). В то время как в группе детей получавших стандартную терапию уровень данного интерлейкина оставался без изменения ($88,8 \pm 5,1$ пг/мл).

ВЫВОДЫ

1. В группах больных инфекционным мононуклеозом, не зависимо этиологии, в острый период характерно однонаправленность изменений системного цитокинового статуса: гиперпродукция ИЛ-6, ИЛ-8 на фоне недостатка ИЛ-2, что обеспечивает дефект клеточного типа иммунного ответа при формировании Th2 гуморального иммунного ответа. В период реконвалесценции наблюдается активация продукции ИЛ-2, при снижении уровня ИЛ-6, что позволяет прогнозировать формирование Th тип иммунного ответа

2. Интенсивность изменений иммунологических маркеров зависит от возбудителя: более выражена при ВЭБ-инфекции, менее - при микст-инфекции. При этом высокий уровень ИЛ-8 активно снижается в динамике только при моно-инфекциях, при смешанной форме инфекционного мононуклеоза он по прежнему остается на высоком уровне ($88,8 \pm 5,1$ пг/мл).

3. На фоне иммуотропной комплексной терапии у больных с моно- и микст- инфекцией отмечена положительная динамика в купировании клинических симптомов. Мониторинг иммунологических маркеров (повышение уровня сывороточного ИЛ-2, снижение ИЛ-6 и ИЛ-8, восстановление дисбаланса цитокиновой сети) свидетельствует об интенсивном подавлении Th2 иммунного ответа и активации Th1 клеточного ответа, что положительно сказывается на течении болезни.

Литература/References

1. Авдеева., Намитоков Х.А., Полянский А.В. Особенности современного течения инфекционного мононуклеоза у детей // *Инфекц. болезни*. 2012. Т., №2. С. 22-25.
2. Авдеева М.Г., Городин В.Н., Яковчук Е.Е., Триско А.А., Ахмедова О.А., Чернявская О.В., Шубина Г.В. Диагностическая значимость серологических методов диагностики острой ВЭБ-инфекции у детей // *Материалы VI Ежегодного Всероссийского конгресса по инфекционным болезням; Москва, 24-26 марта, 2014 г.* С. 5-9.
3. Авдеева М. Г., Лебедев В. В., Шубич М. Г. Инфекционный процесс и системный воспалительный ответ // *Нальчик: ООО «Полиграфсервис и Т»*; 2014. С. 4-8.
4. Авдеева М. Г., Намитоков Х. А., Полянский А. В., Триско А. А. Особенности современного течения инфекционного мононуклеоза у детей // *Инфекционные болезни*. - 2009. - Т. 7. - № 2. - С. 22-25.

5. Адешивили П.С., Полеско И.В., Осипова Г.А. Исследование микробиоценоза ротоглотки методом масс-спектрометрии микробных маркеров у детей с инфекционным мононуклеозом// *Детские инфекции*. 2012. Т.11. №1. С.12-16.
6. Нарзуллаев Н.У. Мирзаева М.Р. Келдиёрова З.Д. Цитокиновый профиль детей с острым воспалением небного миндалина при острой инфекционной мононуклеозе на фоне лечения.// *Новый день в медицине*. Бухоро - №2 (30). 2020. С. 459-461 .
7. Keldiyorova Z.D. Ostonova G.S., Mirzoeva M.R., Narzullaev N.U. State of the immune system in children with infectious mononucleosis.// *Newday in medicine*. Бухоро - 1 (33) 2021. С. 283-289. .
8. Келдиёрова З.Д. Иммунологические особенности инфекционного мононуклеоза эпштейна-барр-вирусной этиологии у детей. // *Новый день в медицине*. Бухоро - №2 (34). 2021. С. 231-234
9. Nuriddin U. Narzullayev, Mehkriniso R. Mirzoyeva, Zilola D. Keldiyorova. Immunological features of infectious mononucleosis epstein-barr virus etiology in children. // *International Journal of Pharmaceutical Research | Jan - Mar 2021 | Vol 13 | Issue 1*.
10. Келдиёрова З.Д. Иммунологические особенности инфекционного мононуклеоза у детей.// *Новый день в медицине*. Бухоро-2(40)2022. март-апрель. С. 215-219.
11. Keldiyorova Z.D. Immunological features of infectious mononucleosis in children.// *Инфекция, иммунитет и фармакология*. №3/2022г. Тошкент. С.110-116.
12. Keldiyorova Z.D. Immunological features of infectious mononucleosis epstein-barr virus etiology in children. // *World medicine journal no 1 (1) 2021*. С.371-375.
13. Келдиёрова З.Д. Состояние иммунной системы у детей с инфекционным мононуклеозом и обоснование иммунокорректирующей терапии.// *Central Asian Journal Of Medical and Natural Sciences*. С.258-265
<http://cajmns.centralasianstudies.org/index.php/CAJMNS/article/view/422/397>

УДК: 616.61-008.64-036.12-085.38-036.8:616.1

**РЕЖАЛИ ГЕМОДИАЛИЗ БЕМОРЛАРИДА ЮРАК
РЕМОДЕЛЛАНИШИГА АНТИАГРЕГАНТ ТЕРАПИЯНИНГ
ТАЪСИР ДИНАМИКАСИНИ БАҲОЛАШ**

**Мадаминов Ғайратжон Ғиёситдин ўғли¹, Рашидова Асал
Сайфуллаевна², Акбарова Гулноза Пўлатовна², Бўронова Дилфуза
Джамоловна², Шукурова Лобар Хусановна²**

*Республика ихтисослашган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий
тиббиёт маркази Андижон вилояти филиали¹
Тошкент давлат стоматология институти²*

ХУЛОСА

Мақолада режали гемодиализ муолажаларини олаётган сурункали буйрак касаллигининг терминал босқичи билан оғриган 101 нафар беморларда кардиоренал синдром ва юрак ремоделланиши бузилишлари кўрсаткичларининг олти ойлик динамикаси, шунингдек мазкур бузилишлари

туфайли юзага келадиган юрак-қон томир касалликлари ва бошқа тромбоемблик асоратларнинг пайдо бўлишини профилактикаси учун антиагрегант терапиянинг аҳамияти бўйича олиб борилган изланишлар бўйича натижалар ўз аксини топган.

Калит сўзлар: сурункали буйрак касаллиги, антиагрегантлар, режали гемодиализ, ЭхоКГ, систолик, диастолик, аллтромбосепин

Сурункали буйрак касаллиги (СБК) беморларида шаклланадиган юрак етишмовчилигининг илк белгиларига дастлаб етарли эътибор берилмайди ёхуд яхши баҳоланмайди. Олиб борилган тадқиқотларда эхокардиография (ЭхоКГ) текширувидаги маълумотларга кўра СБК беморларининг 50 % дан ортиғида чап қоринча гипертрофияси мавжудлиги ҳамда юрак етишмовчилигини клиник симптомларсиз кечаётганлигини кузатилган [7, 9]. Қолаверса чап қоринча гипертрофияси терминал босқичдаги буйрак етишмовчилиги беморларининг 75 % дан ортиғида аниқланади. Албатта кўп омилли яллиғланиш, нейрогуморал, гомеостатик, гематологик, реологик, метаболик, гемодинамик бузилишларни ўз ичига жамлаган буйрак етишмовчилиги юрак қон-томир тизими (ЮҚТТ) га таъсир этмай қўймайди. Тадқиқотларга кўра СБК сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) беморларининг 40 % дан ортиғида учрайди [7, 11]. Шунингдек юрак етишмовчили ёмонлашган сайин буйрак фаолиятини камайиши авжланиб боради. Бу вақтда сув электролит мувозанатининг бузилиши патологик жараённи янада яққол тус олишига замин яратади [7, 10].

Беморларда юрак ва буйрак етишмовчилиги биргаликда кузатилса сўнгги йилларда кардиоренал синдром ибораси ишлатилмоқда [15]. Аксарият ҳолларда сурункали кардиоренал синдромга юрак ишемик касаллигининг (ЮИК) турли шакллари негизида ривожланган СЮЕ олиб келади [8]. Унинг юзага келиши ва ривожланишида қатор омиллар билан бир қаторда ренин-ангиотензин-альдостерон тизими (РААТ) ва унинг охириги таркибий қисми альдостерон ҳам етакчи роль ўйнайди [2, 4, 14]. Қатор экспертларнинг фикрича, юрак ритми бузилишининг ортиши, жигардаги димланиш жараёнларининг ошиши, юрак ва буйракдаги фиброз жараёнлар альдостерон таъсири билан боғлиқ [2, 17, 20]. Фиброз жараёни деганда коллаген фракциясининг меъёридан 2–3 баробар ошиши ёки унинг парчаланишининг синтезига нисбатан устунлиги тушунилади [13, 18]. Айниқса экстракорпорал детоксикацияга мухтож бўлган СБК 5-босқичи беморларида бу патологик жараёнларни жадаллашуви муаммони янада долзарблаштиради [12].

Шунинг учун биз дастурли гемодиализ беморларида юрак ремоделланишининг кўрсаткичларини баҳолаш ва унда антиагрегант дори воситаларини қўллаб қон реологиясининг ҳолати ҳамда гемостаз тизими бузилишларини мувофиқлаштириш билан юрак ремоделланишига таъсир қилиш борасида илмий тадқиқот ишларини олиб боришни лозим топдик.

Тадқиқот мақсади

Режали гемодиализ беморларида юрак ремоделланиши кўрсаткичларини ўрганиш ва унга антиагрегант терапиянинг таъсир динамикасини баҳолаш.

Материал ва услублар. Тадқиқот учун Андижон ВКТТМ РИНваБТИАТМ Андижон вилояти филиалида назоратда бўлган, ҳамда мазкур муассасада режали гемодиализ муолажаларини қабул қилиб юрган турли генезли нодиабетик этиологияли нефропатиялар натижасида ривожланган 101 нафар СБК5-босқичидаги беморлари олинди. Ташхис ва СБК босқичлари АҚШ миллий буйрак фонди (NKF K/DOQI, 2002) тавсияси асосида шакллантирилди.

Этиологик жihatда қаралганда беморларнинг асосий қисми сурункали гломерулонефрит 77 нафар, 23 нафар сурункали пиелонефрит билан ташхисланган беморлардир. Сурункали пиелонефрит нозологиясига буйрак-тош касаллиги ва буйраклар поликистози сабабли пайдо бўлган иккиламчи пиелонефритлар ҳам киради. Шунингдек ошқозон-ичак яра касаллиги фонида кечаётган СБКлари, қандли диабет ва бошқа эндокрин генезли, буйрак ўсмалари ҳамда қон ивиш тизими билан боғлиқ бўлган гематологик касалликлардаги иккиламчи буйраклар шикастланиши сабабли пайдо бўлган нефропатиялар туфайли шаклланган СБК лари тадқиқотга киритилмади. Беморларнинг ёши 19 дан 60 ёшгача ташкил этади, беморларнинг ўртача ёши $39,3 \pm 1,63$ га тенг. Уларни дастурли гемодиализи давомийлиги 5 йилдан ошмаган, ўртача $3,8 \pm 1,7$ йилни ташкил этади. Беморлар тасодифий 1 (n-50) ва 2 (n-51) гуруҳларга ажратилди: Фақат 2-гуруҳга Аллтромбосепин 200 мг/сутка (капсуласида 100 мг бўлиб 2 маҳал) буюрилди.

«Аллтромбосепин» – антикоагулянт ва антиагрегант хусусиятига эга дори воситаси маҳалий хом ашёлардан (Allium сера L.) махсус технология ёрдамида қайта ишлаб олинган кукундир. Ўзбекистон “Remedy Group” ОАЖ кўшма корхонаси томонидан капсула шаклида ишлаб чиқарилган 100 мг.ли «Аллтромбосепин» дори воситаси 2016 йилда клиник синовлардан ўтиб, ЎзР ССВ дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасининг қарори билан «Аллтромбосепин» 100 мг капсулалари юрак-

кон томир ишемик касаликларини олдини олиш ва даволашда антиагрегант дори воситаси сифатида тиббиётда ишлатишга рўйхатдан ўтказилди (22.07.2016 йилдаги гувоҳномалар: «Аллтромбосепин» № DV/М 00913/07/16; «Аллтромбосепин» капсулалари № DV/М 00914/07/16). Сурункали буйрак касалликларида гиперкоагуляция жараёнини яққол ифодаланишини инобатга олиб титрлаш йули билан аллтромбосепин дори воситасини суткалик дозасини 200 мг/кун деб белгиланди.

Барча беморларда тадқиқот бошида ва 6 ойдан сўнг ЭхоКГ текширилди. Текширувлар Андижон ВКТТМ ҳамда Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси функционал ташхисот бўлимларида ўтказилди. ЭхоКГ текшируви “SONOSCAPE S20” ултратовуш ускунасида 3,5 Мгцли датчикда анъанавий “Симсон” техникасидан фойдаланиланилиб бажарилди. Бунда чап қоринчанинг сўнги диастолик ҳажми (ЧҚСДХ, мл), чап қоринчанинг охириги систолик ҳажми (ЧҚОСХ, мл), чап қоринчанинг сўнги диастолик ўлчами (ЧҚСДЎ, мм), чап қоринчанинг сўнги систолик ўлчами (ЧҚССЎ, мм), қоринчалар аро деворнинг қалинлиги (ҚАДҚ, мм), чап қоринча миокарди массаси (ЧҚММ, грамм), чап қоринча миокард массаси индекси (ЧҚММИ, г/м²), зарбий ҳажми (ЗХ, мл) ва чап қоринча қон отиш фракцияси (ЧҚҚОФ, %) қийматлари аниқланди. $ZX = ЧҚСДХ - ЧҚССХ$ формуласи; $ЧҚҚОФ = (ZX : ЧҚСДХ) \times 100\%$ формуласи; $ЧҚММ = 0,8 \times [1,04 \times [(ЧҚСДЎ + ЧҚОДҚ + ҚАДҚ)^3 - ЧҚСДЎ^3] + 0,6]$ R. Devereux формуласи кўмагида; ЧҚММИ (г/м²) эса ЧҚММ тана юзасига қийматига нисбатан ҳисоблаб топилди [12]. Олинган натижалар статистик таҳлил қилинди.

Натижалар ва уларни муҳокамаси.

Олти ойлик тадқиқот мобайнида гуруҳларда қуйидаги натижалар кузатилди: ЧҚСДХ даволаниш бошида 1-гуруҳ беморларида $151,7 \pm 3,4$ мл.ни ташкил этган бўлса 6 ойдан сўнг эса $160,1 \pm 2,64$ қийматгача кўтарилгани кузатилди. Натижалар назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,001$) ҳамда тадқиқот бошига нисбатан ($P < 0,05$) кам ишончли ошгани кузатилди. 2-гуруҳда эса ЧҚСДХ даволаниш бошида $151,5 \pm 2,94$ мл.ни ташкил этиб 6 ойдан сўнг $154,1 \pm 3,01$ мл.гача ошгани кўрилди. Натижалар назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,001$) ошган бўлиб, тадқиқот бошига нисбатан ишончсиз ўзгарди.

ЧҚССХ даволаниш бошида 1-гуруҳ беморларида $69,8 \pm 1,69$ мл.ни ташкил этган бўлса 6 ойдан сўнг эса $79,4 \pm 1,27$ қийматгача кўтарилди. Натижалар назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,001$) ошган бўлса, тадқиқот бошига нисбатан ҳам ($P < 0,001$) ишончли ошди. 2-гуруҳда эса ЧҚССХ даволаниш бошида $69,1 \pm 1,65$ мл.ни ташкил этиб 6 ойдан сўнг

73,6±1,59 мл.гача ошгани кузатилди. Натижалар назорат гуруҳига нисбатан ишончли (P<0,001) ошган бўлиб, тадқиқот бошига нисбатан (P<0,05) кам ишончли ўзгарди (1-жадвал):

1-жадвал

Режали гемодиализ сеанслари олаётган беморларда антиагрегант терапия фонида ЭхоКГ динамикаси

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n-20)	1-гуруҳ (n-50)		2-гуруҳ+аллтромбосепин (n-51)	
		Даволаниш бошида	6 ойдан сўнг	Даволаниш бошида	6 ойдан сўнг
ЧҚСДХ	122,3±3,1	151,7±3,4***	160,1±2,64***^	151,5±2,94** *	154,1±3,01***
ЧҚССХ	47,7±1,1	69,8±1,69***	79,4±1,27***^^	69,1±1,65***	73,6±1,59***^
ЧҚССЎ	31,5±0,7	41,7±0,51***	43,6±0,48***^	41,9±0,51***	42,7±0,53***^
ЧҚСДЎ	45,7±1,2	57,8±0,65***	61,0±0,60***^^	58,1±0,64***	58,8±0,69***
ҚАДҚ	9,5±0,9	12,4±0,30**	13,5±0,23***^	11,9±0,33**	12,5±0,26***^
ЧҚММ	178,6±3,1 3	269,3±3,31** *	286,2±3,30***^ ^	267,6±3,27** *	271,8±4,06***
ЧҚММ И	109,1±1,2	159,2±1,73** *	168,7±2,03***^ ^	158,9±1,67** *	161,8±1,97*** ^
ЗХ	74,6±1,8	81,9±1,84***	80,7±1,68**	82,4±1,79***	80,8±1,82**
ЧҚҚОФ	60,4±1,37	53,9±0,84***	49,8±0,85***^^	54,1±0,84***	52,2±0,76***

Изох: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (*- P<0,05, **- P<0,01, ***- P<0,001); ^ - фарқлар даволашдан олдин гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (^ - P<0,05, ^^ - P<0,01, ^^ - P<0,001).

ЭхоКГда юракнинг ҳажмий ўлчамларини белгиловчи кўрсаткичлар қаторига кирувчи ЧҚССЎ даволаниш бошида 1-гуруҳда 41,7±0,51 мм.ни кўрсатиб; 6 ойдан сўнг 43,6±0,48 мм.га ошгани кузатилди. Натижалар назорат гуруҳига нисбатан ишончли (P<0,001) ошган бўлса, тадқиқот бошига нисбатан ҳам (P<0,01) ишончли ошгани кузатилди. 2-гуруҳ беморларида эса ЧҚССЎ даволаниш бошида 41,9±0,51мм.ни ташкил этиб 6 ойдан сўнг 42,7±0,53мм.гача ошгани кузатилди. Натижалар назорат гуруҳига нисбатан ишончли (P<0,001) ошиб, тадқиқот бошига нисбатан кам ишончли (P<0,05) ўзгаргани кузатилди.

ЧҚСДЎ даволаниш бошида 1-гуруҳ беморларида $57,8 \pm 0,65$ мм.ни кўрсатиб; 6 ойдан сўнг $61,0 \pm 0,60$ мм.га кўпайди. Натижалар назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,001$) ошган бўлса, тадқиқот бошига нисбатан ҳам ($P < 0,001$) ишончли ошгани кўрилди. 2-гуруҳ беморларида эса ЧҚОДЎ даволаниш бошида $58,1 \pm 0,64$ мм қийматни ташкил этиб 6 ойдан сўнг $58,8 \pm 0,69$ мм қийматгача ортгани кузатилди. Натижалар назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,001$) ошиб, тадқиқот бошига нисбатан эса ишончсиз эканлиги кузатилди.

1-гуруҳ беморларида ҚАДҚ даволаниш бошида $12,4 \pm 0,30$ мм ўлчаниб, 6 ойдан сўнг уни $13,5 \pm 0,23$ мм.га қалинлашгани кузатилди. Натижалар назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,001$) ошган бўлиб, тадқиқот бошигана нисбатан ҳам ($P < 0,01$) ишончли қалинлашгани кўрилди. 2-гуруҳ беморларида эса ҚАДҚ даволаниш бошида $11,9 \pm 0,33$ мм қийматга эга бўлиб, 6 ойдан сўнг $12,5 \pm 0,26$ мм.га қалинлашди. Қийматлар назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,01$) ошган, тадқиқот бошига нисбатан эса кам ишончли ($P < 0,05$) ўзгарган деб баҳоланди.

ЭхоКГда юракнинг вазний ўлчамларини белгиловчи кўрсаткичлар сирасига мансуб ЧҚММ 1-гуруҳ беморларида даволаниш бошида $269,3 \pm 3,31$ гр.ни ташкил этган бўлса, 6 ойдан сўнг у $286,2 \pm 3,30$ гр.гача ошгани кузатилди. Натижалар назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,001$) ошган бўлиб, тадқиқот бошига нисбатан ҳам ($P < 0,001$) ишончли кўпайди. 2-гуруҳ беморларида эса ЧҚММ даволаниш бошида $267,6 \pm 3,27$ гр. миқдорга эга бўлган бўлса, 6 ойдан сўнг $271,8 \pm 4,06$ гр. қийматни ташкил этиб ЧҚММ ни ортганига гувоҳ бўлдик. ЧҚММ назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,001$) ошган бўлиб, мазкур кўрсаткични тадқиқот бошига нисбатан эса ишончсиз ўзгарганлиги кўзатилди.


ЧҚММИ 1-гуруҳда даволаниш бошида $159,2 \pm 1,73$ г/м² қийматга эга бўлиб, 6 ойдан сўнг уни $168,7 \pm 2,03$ га сезиларли ошгани кузатилди. Натижалар назорат гуруҳига нисбатан ҳам ишончли ($P < 0,001$) ошган бўлиб, тадқиқот бошига нисбатан ҳам ($P < 0,001$) ишончли ошгани кузатилди. 2-гуруҳ беморларида эса ЧҚММИ даволаниш бошида $158,9 \pm 1,67$ г/м² қийматни ташкил этган бўлса, 6 ойдан сўнг мазкур кўрсаткич $161,8 \pm 1,97$ г/м² қийматга эга бўлди. ЧҚММИ кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,001$) ошган бўлиб, мазкур кўрсаткични тадқиқот бошига нисбатан эса кам ишончли ($P < 0,05$) ўзгарганлигига гувоҳ бўлдик.

ЭхоКГда юрак фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳисобланган кўрсаткичлар сирасига мансуб ЗХ 1-гуруҳ беморларида даволаниш бошида

81,9±1,84 мл.ни ташкил этган бўлса, 6 ойдан сўнг у 80,7±1,68 мл.га камайгани кузатилди. Натижалар назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($P<0,001$) ошган бўлиб, даволаниш бошига нисбатан ишончсиз ўзгарди. 2- гуруҳ беморларида эса 3X даволаниш бошида 82,4±1,79 мл.ни ташкил этиб, бойдан сўнг 80,8±1,82 мл.га сезиларсиз камайганига гувоҳ бўлдик. 3X назорат гуруҳига нисбатан ҳам, тадқиқот бошига нисбатан ҳам ишончсиз ўзгарганлиги кузатилди.


ЧҚҚОФ 1-гуруҳ беморларида даволаниш бошида 53,9±0,84 %.ни ташкил этиб, 6 ойдан сўнг у 49,8±0,85 % гача сезиларли пасайгани кузатилди. Натижалар назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($P<0,001$) пасайган бўлиб, даволаниш бошига нисбатан ҳам ($P<0,001$) ишончли камайиб юрак фаолияти ёмонлашганлигига гувоҳ бўлдик. 2-гуруҳ беморларида эса ЧҚҚОФдаволаниш бошида 54,1±0,84 % ни ташкил этиб, 6 ойдан сўнг 52,2±0,76 % га пасайганлиги кузатилди. ЧҚҚОФ назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($P<0,001$) пасайиб, тадқиқот бошига нисбатан эса қийматларни ишончсиз пасайиш билан ўзгаришлар намоён қилганлигига гувоҳ бўлдик.

Энди тадқиқотга олинган ҳар иккала гуруҳларда ЭхоКГ кўрсаткичларидаги қийматларни ўзаро солиштирма таҳлил қиламиз. Диаграммага назар солсак ЧҚСДХ ва ЧҚССХ кўрсаткичларини даволаниш бошида ва 6 ойдан сўнг ҳар иккала гуруҳ беморларида назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($P<0,001$) ошгани кузатилди. Бироқ даволаниш бошига нисбатан 6 ойдан сўнг 1-гуруҳда қийматларни кам ишончли ва ишончли ($P<0,001$) ошиб юрак ремоделланишини салбий томонга давом этаётгани намоён бўлиб, аллтромбосепин қабул қилган 2-гуруҳ беморларида эса мазкур салбий ўзгаришларни тадқиқот бошига нисбатан ишончсиз силжигани кузатилди. Бу жараёнларни биз аллтромбосепиннинг антиагрегант самараси ўлароқ изоҳлаймиз (1-расм).




1-расм. ЧҚСДХ ва ЧҚССХ кўрсаткичининг антиагрегант терапия фонидида солиштирма динамикаси

ЭхоКГда юракнинг ҳажмий ўлчамларини белгиловчи кўрсаткичлар ҳисобланган ЧҚССЎ ва ЧҚСДЎ қийматлари диаграммада ўзига хосманзарани намоён этди. Унга кўра кўрсаткичлар даволаниш бошида ва 6 ойдан сўнг ҳар иккала гуруҳ беморларида назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,001$) ошгани кузатилди. Бироқ даволаниш бошига нисбатан 6 ойдан сўнг 1-гуруҳда қийматларни ишончли ($P < 0,001$) ошиб юрак ремоделланишини давом этаётгани намоён қилган бўлса, аллтромбосепин қабул қилган 2-гуруҳ беморларида эса ЧҚССЎ қийматини тадқиқот бошига нисбатан кам ($P < 0,05$) ишончли ҳамда ЧҚСДЎ қийматини ишончсиз ошганига гувоҳ бўлдик. Демак антиагрегантларнинг миокардда қон айланишини яхшилаш самараси туфайли юрак ремоделланишини янада ёмонлашувини олдини олишимиз мумкин бўлади (2-расм).



2-расм. ЧҚССЎ ва ЧҚСДЎ кўрсаткичининг антиагрегант терапия фониди солиштирма динамикаси


ЭхоКГда юракнинг вазний ўлчамларини белгиловчи кўрсаткичлар сирасига мансуб ЧҚММ ва ЧҚММИ диаграммада қуйидаги манзарани акс эттирди. Ҳар иккала гуруҳда даволаниш бошида ва 6 ойдан сўнг бу кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,001$) ошган бўлса, антиагрегант терапия қабул қилмаган 1-гуруҳда мазкур кийматлар тадқиқот бошига нисбатан ҳам ($P < 0,001$) ишончли кўпайди. Аммо мунтазам аллтромбосепин қабул қилган 2-гуруҳ беморларида эса ЧҚММ даволаниш боши нисбатан эса ишончсиз ўзгарганлиги кўзатилади. ЧҚММИ кўрсаткичини эса тадқиқот бошига нисбатан кам ишончли ($P < 0,05$) ўзгарганлиги кузатилади. Демак антиагрегант даво фониди юрак миокарди массаси ва индекси кийматларини ошиши ҳам секинлашганлиги намоён бўлди. (3-расм):



3-расм. ЧҚММ ва ЧҚММИ кўрсаткичининг антиагрегант терапия фонида солиштирма динамикаси

ЭхоКГда юрак фаолиятини баҳоловчи кўрсаткичлар диаграммаси куйидаги манзарани намоён этди. Натижаларга кўра ҳар иккала гуруҳда ЗХ назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,001$) ошган бўлиб, даволаниш бошига нисбатан ҳам, тадқиқот бошига нисбатан ҳам иккала гуруҳда ЗХ ишончсиз ўзгарганлиги кузатилди.

ЧҚҚОФ назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,001$) пасайиши ҳар иккала гуруҳда кўринган бўлса, даволаниш бошига нисбатан 1-гуруҳда ишончли ($P < 0,001$) камайиб юрак фаолиятини салбий томонга ўзгариши кузатилди. ЧҚҚОФ аллтромбосепин антиагрегант воситасини ичиб юрган 2-гуруҳ беморларида эса тадқиқот бошига нисбатан ишончсиз қийматларда пасайгани кузатилди (4-расм):



4-расм. ЗХ ва ЗФ кўрсаткичининг антиагрегант терапия фонида солиштирма динамикаси

Шундай қилиб режали гемодиализ беморларида аллтромбосепин қўллашнинг биринчи кунларидан тромбоцитлар агрегациясини тормозланиши юзага келади. Бу эса беморларда қон реологиясининг ҳолати яхшилашга ва гемостаз тизими бузилишларини мувофиқлаштиришга, шунингдек тромбоемболик асоратларни олдини олинишини таъминлайди. Бу сурункали кардиоренал синдромни авж олиб кетишини секинлашишини ва ЮҚТТ сабабли юзага келадиган ўлим хавфини нисбатан камайтиради. Шунингдек юракнинг функционал ҳолатини прогрессив бузилиши симпто-адренал тизимни фаоллаштиради ва оқибатда ренин-ангиотензин-алдостерон тизимини ҳам авж олиб кетишига олиб келади [1, 6, 21]. Унинг самараси ўлароқ натрий ва сувни тутиб қолиниши ортади, гломеруляр гипертензия ҳамда коптокчалар шикастланиши содир бўлади. Бу ўтказилаётган детоксикацион давони самарасини пасайтиради ҳамда суюқликни тутиб қолиниши марказий веноз босимни ошириши оқибатида юрак чап камераларини юрак олди юкласини ортишига олиб келади [3, 5]. Бу вақтда ангиотензин II ни тўпланиб ангиотензин рецепторларини рағбатлашуви билан ассоциацияланиши туфайли вазоконстрикция ва артериолаларнинг гипертрофиясига, яъни чап қоринчанинг юракдан кейинги юкласини ошишига олиб келади [16, 19, 22]. Шундай қилиб

режали гемодиализ беморларида антиагрегант терапиянинг олиб борилиши билан мазкур патологик занжирни қисман бўлсада узилишига, имкон қадар кардио-ренал синдром оқибатларини юмшатишга, шунингдек у туфайли юзага келадиган ўлим хавфи сонини нисбатан камайишига эришилади.

Хулосалар:

1. Гемодиализ тадбирлари мобайнида организмда кескин гемодинамик ўзгаришлар ва кардио-ренал синдром ҳисобига юрак ремоделланиши кузатилади.
2. Режали гемодиализдаги беморларда кардио-ренал синдромни мувофиқлаштириш, юрак ремоделланишини секинлаштириш ва ЮҚТТ асоратларини олдини олиш учун антиагрегантларни қўллаш зарур.
3. Режали гемодиализдаги беморларда антиагрегантларнинг мунтазам қўлланилиши қонда коагуляцион каскад фаоллашишини олдини олади, оқибатда кардио-ренал синдромни мувофиқлаштириш билан юрак ремоделланишини секинлаштиришга эришилади.
4. Режали гемодиализдаги беморларда антиагрегант терапия сифатида аллтромбосепиннинг мунтазам қўлланилиши юрак ремоделланишини авж олишини олдини олади ва оқибатда юрак қон-томир етишмовчилиги сабабли рўй берадиган ўлим хавфи сонини нисбатан камайишига эришилади.

Литература/References

1. Аляви Б.А., Муминов Ш.К. Кардиоренальный синдром второго типа: современное состояние проблемы // *Терапевтический вестник Узбекистана* № 1 2021 г. Ст. 188 – 193.
2. Бакалец Н.Ф. Хроническая сердечная недостаточность с сохраненной фракцией выброса левого желудочка (обзор литературы) // *Проблемы здоровья и экологии*. 2012. Т. 3. С. 7–11.
3. Белялов Ф.И. Факторы риска сердечнососудистых заболеваний и хроническая почечная недостаточность. *Кардиология* 2005; 7: 92-96.
4. Гадаев А.Г., Турақулов Р.И., Сайфуллаев М.Б, Сурункали юрак етишмовчилиги негизида ривожланган кардиоренал синдромда альдостероннинг аҳамияти // *Терапевтический вестник Узбекистана* № 1 2021 г. Ст. 207 – 211.
5. Комиссаров К.С. Влияние методов диализ-терапии на состояние левого желудочка сердца у больных с терминальной почечной недостаточностью. *Белорус. мед. журн.* 2004; 3: 56-58.
6. Найдич А.М, Честухина О.В., Кремлева Ю.В., Мойсюк Я.Г. и др. Гипертрофия левого желудочка, индуцированная хронической почечной недостаточностью и структурно-функциональное ремоделирование миокарда. *Нефрология и диализ* 2005; 7 (1): 46-53.

7. Олимхонова К.Н., Нурутдинова э.А., Эгамбердиева Д.А. Хроническая болезнь почек у больных с кардиоренальным синдромом и дисбак-териозом кишечника // *Терапевтический вестник Узбекистана № 1 2021 г. Ст. 131 – 135.*
8. Резник Е.В. Почки как орган-мишень при хронической сердечной недостаточности. *Lamber. 2011 . С. 188.*
9. Резник Е.В., Никитин И.Г. Кардиоренальный синдром у больных с сердечной недостаточностью как этап кардиоренального континуума (часть I): определение, классификация, патогенез, диагностика, эпидемиология (Обзор литературы) // *Архивъ внутренней медицины. 2019. Т. 9. № 1(45).*
10. Сторожак Г.И., Гендлрин Г.Е., Томилина Н.А., Ким И.Г. Поражение сердечно-сосудистой системы при хронической почечной недостаточности. *Рос. мед. журн. 2005; 3: 4-8.*
11. Шокиров Ю.А. Клинико-морфологические аспекты гломерулонефрита с нефротическим синдромом / Ю.А.Шокиров. *Методические рекомендации // - С. 1-17.*
12. Шутков А.М., Едигарова О.М., Мастыков В.Э. Оценка массы миокарда левого желудочка у больных на программном гемодиализе. *Нефрологияи диализ 2004; 6 (2): 177-180.*
13. Anjan V.Y., Loftus T.M., Burke M.A. et al. Prevalence, clinical phenotype, and outcomes associated with normal B-type natriuretic Peptide levels in heart failure with preserved ejection fraction // *Am J Cardiol. – 2012. Vol. 110. P. 870–876.*
14. Devereux R.B. Echocardiography assessment of left ventricular hypertrophy: comparison to necropsy findings / R.B. Devereux, D.R. Alonso, E.M. Lutas, G.J. Gotlieb // *Am. J. Kidney Dis.- 1991.-Vol. 18 (Suppl 2).-P.1-127.*
15. Hatamizadeh P., Fonarow G.C., Budoff M.J. et al. Cardiorenal syndrome: pathophysiology and potential targets for clinical management. *Nat Rev Nephrol. 2013; 9 (2): P. 99–111.*
16. Iyngkaran P., Thomas M.C., Johnson R., et al. Contextualizing Genetics for Regional Heart Failure Care. *Curr. Cardiol. Rev. 2016. № 12(3). P. 231 – 242.*
17. Komissarov K., Pilotovich V., Kurganovich S. The functional condition of right ventricle in the patients with end stage renal disease on dialysis treatment. *The abstract book of the 10th European Meeting on Cardioneurology. Assisi; 2004: 169 -171.*
18. London G. M. Arterial media calcification in end-stage renal disease: impact on all cause and cardiovascular mortality. *Nephrol. Dial. Transplant. 2003; 18 (9): 1731-1739.*
19. Levey A.S., Coresh J. Chronic kidney disease. *Lancet. 2012. № 379(9811). P. 165–180.*
20. Petersen M., Andersen J.T., Hjelvang B.R., Broedbaek K., Afzal S., Nyegaard M., Borlum A.D., Stender, Kober L., Torp-Pedersen C., Poulsen H.E. Association of beta- adrenergic receptor polymorphisms and mortality in carvedilol-treated chronic heart failure patients // *Br. J. Clin. Pharmacol. 2011 . P. 556 – 565.*
21. Tory K., Suveges Z., Horvath E. et al. Autonomic dysfunction in uremia assessed by heart rate variability. *PediatrNephrol. 2003; 18: 1167-1171.*
22. Whaley-Connell A., Sowers J.R. Pathophysiology: the Cardio Renal Metabolic Syndrome. *J.Am. Soc. Hypertens. 2014. № 8(8). P. 604–606.*

УДК: 616.9:578.834-036.22-614.2

COVID-19 КАСАЛЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХАВФИНИ ИНТЕГРАЛ БАХОЛАШ

Бахромжон МАМАТҚУЛОВ^{1,a}, Абдурашид Нематов^{2,b},

¹т.ф.д. профессор, Тошкент тиббиёт академияси
²таъяс докторант (PhD), Тошкент тиббиёт академияси
Тошкент, Ўзбекистон
tma.sph@gmail.com, abdurashidnematov459@gmail.com

ИНТЕГРАЛЬНАЯ ОЦЕНКА РИСКА РАЗВИТИЯ ЗАБОЛЕВАНИЯ COVID-19

¹д.м.н. профессор, Ташкентская медицинская академия
²базовый докторант (PhD), Ташкентская медицинская академия
Ташкент, Узбекистан
tma.sph@gmail.com, abdurashidnematov459@gmail.com

INTEGRATED ASSESSMENT OF THE RISK OF DEVELOPING COVID- 19

Bakhromjon MAMATKULOV^{1,a}, Abdurashid NEMATOV^{2,b},

¹Doctor of Science, Professor, Tashkent medical academy

²basis doctorate (PhD), Tashkent medical academy

Tashkent, Uzbekistan

tma.sph@gmail.com, abdurashidnematov459@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақсад: COVID-19 касаллигининг келиб чиқиш ва ривожланиш хавфини интеграл баҳолаш учун прогностик жадвал ишлаб чиқиш. **Материал ва методлар:** махсус юқумли касалликлар шифохонаси Зангиота 1 ва 2 да COVID-19 касаллиги билан даволаниб чиққан 600 нафар беморларва ушбу касалликка чалинмаган 600 нафар соғлом шахсларда сўровнома (анкета-сўров усули) ўтказилди. **Натижа:** олинган 7 та ижтимоий гигиеник ва тиббий биологик омилларнинг коронавирус билан касалланиш кўрсаткичларига таъсир диапазони 12,85-40,76 чегараларини ташкил қилар экан. Шундай қилиб меъёрий интеграцион (прогностик) кўрсаткич қанча катта бўлса, комплекс олинган омилларнинг таъсир кучи шунча юқори ва унинг акси, прогностик кўрсаткич қанча кичик бўлса, омилларнинг таъсир кучи шунча паст бўлади. **Хулоса:** аҳоли орасида ва беморларда хавф гуруҳини комплекс баҳолашга имкон берадиган истиқболли жадвалдан кенг фойдаланиш БТСЁ муассасаларида фаолият юритадиган тиббиёт ходимлари, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарларига касалликни эрта аниқлаш, диагностика қилиш ва адекват даволашга қаратилган илмий асосланган чора- тадбирларни ишлаб чиқиш ва касалликни камайтириш имконини беради.

Калит сўзлар: COVID-19, БТСЁ, ЎРВИ, прогностик жадвал, ОШ, SARS-CoV-2, 2019-нCoV.

АННОТАЦИЯ

Цель: разработать прогностическую таблицу для комплексной оценки риска возникновения и развития заболевания COVID-19. **Материалы и методы:** проведено обследование (анкетный метод) в Зангиатинской 1-2 й специальной инфекционной больнице 600 пациентов, лечившихся от COVID-19, и 600 здоровых лиц, не инфицированных заболеванием. **Результаты:** диапазон влияния 7 социально-гигиенических и медико-биологических факторов на заболеваемость коронавирусом составил 12,85-40,76. Таким образом, чем больше нормативный интеграционный (прогностический) показатель, тем выше влияние комплексных факторов, и наоборот, чем меньше прогностический показатель, тем ниже влияние факторов. **Заключение:** широкое использование проспективной таблицы, позволяющей комплексно оценить группу риска среди населения и пациентов, позволит медицинским работникам, работающим в отделениях интенсивной терапии, руководителям медицинских учреждений разработать научно обоснованные мероприятия по раннему выявлению, диагностике и адекватному лечению. и снижение заболеваемости.

Ключевые слова: COVID-19, ПМСЦ, ОРВИ, прогностическая таблица, СВ, SARS-CoV-2, 2019-nCoV.

ABSTRACT

Objective: to develop a prognostic table for an integrated assessment of the origin and risk of developing COVID-19 disease. **Materials and methods:** a survey (questionnaire method) was conducted in Zangiota 1 and 2 Special Infectious Diseases Hospital on 600 patients treated with COVID-19 and 600 healthy individuals who were not infected with the disease. **Result:** the range of effects of the 7 social hygienic and medical biological factors on coronavirus incidence was 12,85-40,76. Thus, the larger the normative integration (prognostic) indicator, the higher the impact of the complex factors, and conversely, the smaller the prognostic indicator, the lower the impact of the factors. **Conclusion:** extensive use of the prospective table, which allows a comprehensive assessment of the risk group among the population and patients, will allow health professionals working in ICUs, heads of health facilities to develop science-based measures for early detection, diagnosis and adequate treatment and disease reduction.

Keywords: COVID-19, PMSC, ARVI, prognostic chart, FD, SARS-CoV-2, 2019-nCoV

Долзарблиги. 2019-йил декабр ойида Хитойнинг Ухан шаҳрида сабаби номаълум бўлган пневмония ҳолатлари тўғрисида хабар берилди [1]. 2020-йилнинг 7-январиди Хитой соғлиқни сақлаш муассасалари беморларнинг нафас олиш йўллари наъмуналарини таҳлил қилиш орқали бу ҳолатлар янги

коронавирус, оғир ўткир респиратор синдром коронавируси-2 (SARS-CoV2; илгари 2019-nCoV) билан боғлиқлигини тасдиқлади [2,3]. Коронавирус касаллиги 2019 (COVID-19) пневмониясининг аксарият ҳолатлари Ухандаги Хуанан денгиз маҳсулотлари бозорида қайд этилган [6]. Бироқ, тиббиёт ходимлари бозорга чиқмаган бўлишларига қарамай, Уханга саёҳат қилган ходимлар SARS-CoV-2 билан касалланганлиги аниқланган, бу ҳолатларнинг пайдо бўлиши ушбу вируснинг одамдан одамга юқишини ко'рсатади [7,8]. Ташхис қўйилган ҳолатлар сони тез суръатлар билан ўсиб бормоқда: 2020 йил 27 мартга қадар Хитойда ва дунёнинг бошқа мамлакатларида (шу жумладан Япония, Жанубий Корея, Испания, Италия, Буюк Британия ва АҚШда) COVID-19 пневмониясининг 500 000 дан ортиқ ҳолати қайд этилган ва 23 000 дан ортиқ бемор вафот этди, бунда ўлим даражаси тахминан 4% га тенг бўлди [9]. Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, беморларни назорат қилиш, даволашда қатор камчиликларга йўл қўйилган: текширувлардан тўлиқ ўтказмаслик, касаллик кечиш даражасини тўғри баҳолай олмаслик ва бунинг натижасида даволашнинг ноадекватлиги, стационарда даволашнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Тадқиқот мақсади: COVID-19 касаллигининг келиб чиқиш ва ривожланиш хавфини интеграл баҳолаш учун прогностик жадвал ишлаб чиқиш.

Материал ва методлар: Махсус юқумли касалликлар шифохонаси Зангиота 1 ва 2 да COVID-19 касаллиги билан даволаниб чиққан 600 нафар беморлар ва ушбу касалликка чалинмаган 600 нафар соғлом шахсларда сўровнома (анкета-сўров усули) ўтказилди.

Олинган натижалар

Мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг бирламчи бўғинларида, айниқса соғлиқнинг сақлашнинг бирламчи бўғинларида касалликка олиб келувчи хавф омилларини аниқлаш, баҳолаш ва касалликка ташхис қўйиш қийинчилик туғдирмоқда. Коронавируснинг асоратли кечиш сабабларидан бири – беморларни назорат қилишда дифференциаллашган ёндашувнинг бўлмаслигидир.

Касалликка олиб келувчи хавф омиллари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилишда махсус ишлаб чиқилган математик моделдан фойдаланиш ижобий самарани беради. Касалликка олиб келувчи хавф омиллари жуда кўп. Бироқ улардан ҳар бирининг организмга таъсирини баҳолаш ва уни прогнозлаш тиббиёт ходимидан бирмунча кўп вақтни талаб қилади. Бу эса айниқса БТСЁ муассасаларида ишловчи тиббиёт ходимлари учун қийинчилик туғдиради.

COVID-19 касаллиги профилактикасида прогностик жадвалдан фойдаланишдан асосий мақсад – беморларда касалликка сабаб бўлувчи энг асосий омилларни ажратиб олишдан иборатдир. Прогностик жадвал тузишнинг бир қанча усуллари мавжуд. Биз Е.Н.Шиган (1987й), Л.А.Пономарёва ва Б.Маматқулов (2009й)лар томонидан ишлаб чиқилган оддий ва ишончли усулидан фойдаланишни лозим топдик.

Хавф гуруҳларининг ичидан энг юқори вазнга эга бўлган 7 та хавф омиллари ажратиб олинди (1-жадвал).

1-жадвал

COVID-19 касаллиги келиб чиқишига таъсир этувчи етакчи хавф омиллари

№	Хавф омиллари	Вазн коэф-ти (R)
1	Ёш таркиби (70 ёш ва <)	4,0
2	Жамоат жойларида санитария-гигиеник қоидаларга риоя қилиш (бир марталик тиббий ниқоб, оралик масофани сақлаш, антисептик воситалар), (амал қилмади)	3,6
3	Тамаки истеъмол қилиш (қунига 20 донагача чекиш)	3,6
4	Сурункали касалликларнинг мавжудлиги (мавжуд)	3,1
5	Спиртли ичимлик истеъмоли (ҳафтасига 2-3 марта)	3,0
6	Яшаш шароити (ёмон)	2,9
7	Тана вазни (меъеридан юқори)	2,84

Тадқиқотларнинг натижаларини чуқур таҳлил этиш, клиник эпидемиологиянинг аналитик тадқиқот усуллари: хавф омилларини аниқлаш, шанслар нисбати ва касалликларнинг тарқалганлиги, касалликнинг етакчи хавф омиллари аниқланди ва уларнинг истиқболини аниқлаш ва баҳолаш жадвали ишлаб чиқилди (2-жадвал).

Тиббиёт ходими томонидан мижознинг анамнез маълумотлари йиғилиб, тиббий кўриқдан ўтказилгач, аниқланган омиллар мазкур жадвалда белгиланиб олинади. Шундан сўнг барча омилларга мос келадиган қийматлар йиғиндиси олинади.

2-жадвал

COVID-19 касаллигининг келиб чиқишига таъсир этувчи хавф омиллари даражасини комплекс баҳоловчи прогностик жадвал

№	Биологик омиллар	Омиллар градацияси	Прогностик кўрсаткич (X)
1	Ёш таркиби	19 ёшгача	2
		20-29	2,32
		30-39	2,88
		40-49	2,4
		50-59	6,36
		60-69	7,88
		70 ёш ва <	7,92
2	Тана вазни	меъёрида	1,73
		меъеридан юқори	4,9
3	Сурункали касалликларнинг мавжудлиги	Мавжуд	5,8
		Мавжуд эмас	1,8
Санитария гигиеник қоидаларга риоя қилиши ва касаллик белгилари учраши билан боғлиқ омиллар			
4	Жамоат жойларида санитария-гигиеник қоидаларга риоя қилиш (бир марталик тиббий ниқоб, оралиқ масофани сақлаш, антисептик воситалар)?	Амал қилди	1,9
		Амал қилмади	7
Яшаш шароити, овқатланиш ва дам олиш билан боғлиқ омиллар			
5	Яшаш шароити	қониқарсиз	5,8
		қониқарли	2,8
		яхши	2,4
		жуда яхши	1,97
Зарарли одатлар			
6	Тамаки чекиш	Чекмайман	1,98
		Кунига 5 донагача чекаман	2,56
		Кунига 10 донагача чекаман	2,93
		Кунига 20 донагача чекаман	7,34
7	Спиртли ичимлик	Ҳафтасига 2-3	2

	истеъмоли	марта	
		Ҳафтасига 1 марта	1,47
		Алоҳида ҳолатларда	1,74
Хавф қийматлари			
	Хавфнинг энг кичик қиймати (X)	$\sum X_n$	12,85
	Хавфнинг энг катта қиймати (X)	$\sum X_n$	40,76

Демак, олинган 7 та ижтимоий-гигиеник ва тиббий-биологик омилларнинг коронавирус билан касалланиш кўрсаткичларига таъсир диапазони 12,85-40,76 чегараларини ташкил қилар экан. Шундай қилиб меъерий интеграцион (прогностик) кўрсаткич қанча катта бўлса, комплекс олинган омилларнинг таъсир кучи шунча юқори ва унинг акси, прогностик кўрсаткич қанча кичик бўлса, омилларнинг таъсир кучи шунча паст бўлади.

Тадқиқотда хавф чегараларини 3 интервалли гуруҳга бўлдик: хавфнинг энг кичик даражаси (12,85 -21,22), хавфнинг ўртача даражаси (21,22-29,6), хавфнинг энг юқори даражаси (29,6-40,76) (3-жадвал).

3-жадвал

Беморлар учун хавф гуруҳлари ва унинг диапазонлари.

Хавфлилик даражаси	Хавфлилик ўлчами	Хавф гуруҳи (истикбол-прогноз)
Хавфнинг энг кичик даражаси	12,85 -21,22	яхши истикболли гуруҳ
Хавфнинг ўртача даражаси	21,22-29,6	диққатни талаб қиладиган гуруҳ
Хавфнинг энг юқори даражаси	29,6-40,76	ёмон истикболли гуруҳ.
Хавф чегараси	12,85-40,76	

Бундан ташқари касалликнинг олдини олиш, аҳолининг бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларига мурожаатлари даврида уларнинг орасидан касалликка мойил-хавф омиллари мавжуд аҳоли гуруҳини ажратиб олиш, касалликни барвақт аниқлаш, уни ўз вақтида ташхислаш, улар орасида олиб бориладиган иккиламчи профилактикани олиб бориш, учламчи профилактиканинг самарадорлигини ошириш мақсадида илмий тизимли таҳлил ва тизимли ёндошув тамойилларига асосланган ҳолда соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинлари учун касалликнинг тиббий, ижтимоий

самарадорлигини ошириш, касаллик оқибатида содир бўладиган иқтисодий зарарни камайтириш мақсадида комплекс режа-дастур тузилди.

Ушбу дастур асосида тизимли ёндошув 2 босқичда олиб борилади.

